Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 158 (7648). ◆ 18 август, 1981 йил ● СЕШАНБА Баҳоси 2 тийин

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ «КПСС XXVI СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ИЖРОНИ КОНТРОЛ ҚИЛИШ ВА ТЕКШИРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

КПСС XXVI съездида ички ва ташқи сиёсат соҳасида қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш, деб таъкидланади қарорда партия раҳбарлиги самарадорлиги оширилишини, партия ташкилотлари фаолиятининг услуб ва методлари яхшиланишини тақозо этади. Шу муносабат билан партия ташкилотчилик ишининг энг муҳим таркибий қисми сифатида ижрони контрол қилиш ва текширишни янада такомиллаштириш зарурати ортади.

В. И. Ленин контрол тўғри қўйилишини социалистик ўзгартиришларнинг сўзсиз шартларидан бири деб ҳисоблаган эди. Ленининг қарорлар реал бажарилаётганлигини текшириб туриш тўғрисидаги кўрсатмаси алоҳида аҳамият касб этади. Белгиланган вазифалар муваффақиятли амалга оширилишининг гарови ана шундадир.

Партия бош йўлини амалга ошириш — ижрони контрол қилиш ва текширишнинг асосий сиёсий йўналишидир.

Партия ишда ленинча услубни қарор топтириш билан ижрони контрол қилиш ва текширишни партия, совет ва хўжалик ташкилотлари фаолиятини яхшиловчи, аппаратнинг ҳамма бўғинларида уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамловчи, тополишмиша контроллик билан бир қаторда туради», — деди ўртоқ Л. И. Брежнев.

Партия ижрони контрол қилиш ва текширишни ташкил этишда оммавийлик, таъсирчанлик, ошкоралик каби энг муҳим ленинча принципларга ҳамиша амал қилмоқда. Контролни ташкил этиш тўғрисида ленинча гоялар ва қоидалар партия съездларининг, Марказий Комитет пленумларининг ҳужжатларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев асарларида ижодий ривож топди.

(Давоми 2-бетда).

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ С. КАНЯ ВА В. ЯРУЗЕЛЬСКИЙ БИЛАН УЧРАШУВИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан қисқа муддатли дўстона амалий визит билан Совет Иттифоқига келган ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Каня ва ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Совети раиси ҳамда мудофаа министри В. Ярузельский билан 14 август куни Кримда учрашди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов иштирок этдилар.

ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари ва ПХР Министрлар Совети Раиси ПБИП IX фавқулодда съезди якунларига муваффақиятли ҳал қилинаётган проблемалар тўғрисида сўзлаб бердилар. Улар шуни таъкидладиларки, съезд партия фаолиятининг марксча-ленинча принципларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, унинг жамиятдаги раҳбарлик ролини мустаҳкамлаш, ишчилар синфи, меҳнаткашлар билан алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш керак деган фикрни ёқлаб чиқди, социалистик демократияни ривожлантириш, социалистик давлатни мустаҳкамлаш ва иқтисодий аҳволни барқарор этиш йўлларини белгилаб берди. Партия кризисдан қутилишнинг ҳар томонлама программасини ишлаб чиқиш йўли билан ўз ташаббусини намойиш қилди. Шу йил 11 август куни бўлиб ўтган ПБИП Марказий Комитетининг иккинчи пленуми шуни тасдиқлади.

IX съезд ишлаб чиққан программавий йўлни миллионлаб меҳнаткашлар тобора кўпроқ кенг кўламда қўллаб-қувватламоқдалар. Аммо мамлакатдаги аҳвол ҳамон жуда мураккаб ва оғир бўлиб қолмоқда. Саноат ишлаб чиқариши ва миллий даромад пасаймоқда, аҳолини таъминлашда жиддий камчиликлар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси — аввалги хатоларнингина эмас, шу билан бирга социализмга душман бўлган кучлар қилаётган ҳар хил кўпорувчилик ҳаракатларининг ҳам оқибатидир. Анашу кучлар қўйинчиликларни кескинлаштиришга ҳамда улардан партияга ва халқ ҳокимиятига қарши фойдаланишга уринмоқдалар. Кейинги ҳафталарда бўлиб ўтган забастовка ва намойишлар, шунингдек давлатга ва Советларга қарши кўпдан-кўп пропаганда фактлари давлат хавфсизлигига, унинг мустақиллигига, поляк халқининг ҳаётий манфаатларига жиддий таҳдид қилмоқда.

ПБИП ва ПХР ҳукумати шундай бир шароитда ватанни миллий қутқариш, чуқур кризиснинг олдини олиш, бутун халқ хўжалигининг нормал ишлашини йўлга қўйиш, анархия кўринишлари йўлига барҳам солиш манфаатларини кўзлаб, контрреволюция хавфига қарши қатъий курашиш мақсадида барча ватанпарвар кучларни бирлаштиришни ўзининг биринчи навбатдаги вазифаси деб билмоқда. Шуларнинг ҳаммаси социалистик Польшанинг ривожланишини ҳамда давлатлар ва халқлар социалистик ҳамдўстлигининг маҳкам бўғини сифатида уни мустаҳкамлашни таъминлаши керак.

Л. И. Брежнев совет коммунистлари, барча совет кишилари Польша Халқ Республикасидаги воқеаларни жиддий эътибор бериб кузатиб бораётганликларини таъкидлади. Совет Иттифоқи социалистик Польшага нисбатан изчил интернационалистик позицияда турибди, поляк коммунистлари ва бутун қардош поляк халқи партия IX съездининг ПБИПни маркса-ленинча партия сифатида мустаҳкамлашга ва мамлакатда социализм позицияларини маҳкамлашга қаратилган қарорларини муваффақиятли амалга оширишларини тилайди.

Польшада социализмнинг ташқи ва ички душманлари антисоветизмни қурол қилиб олаётганлари тасодифий эмас. Улар халқ Польшаси билан Совет Иттифоқи ўртасида, унинг бошқа ишончли дўстлари ва иттифоқчилари ўртасида чоҳ қазишга, шу тариқа мустақил Польша давлатининг тинч, бехатар ривожланиш асосларини қўпоришга умид боғламоқдалар.

Суҳбат қатнашчилари иккинчи жаҳон урушининг гоят қаттиқ синовлари гирдобида тобланган, совет ва поляк жангчилари биргаликда тўккан қон билан мустаҳкамланган, урушдан кейинги бутун ривожланиш давомида ўзининг бунёдкорлик кучини исботлаган Совет-Польша дўстлиги совет ва поляк халқларининг буюк мулкидир, деган фикрни якдиллик билан билдирдилар.

Совет Иттифоқининг қудрати ва юксак халқаро обрўэътибори халқ Польшасининг манфаатларига мос бўлиб тушгани каби, бақувват суверен социалистик Польшанинг мавқеидлиги ҳам Совет Иттифоқининг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Иккала мамлакат ўртасида дўстлик зарур эканлиги Польша учун оғир дамларда яна тасдиқланмоқда. КПСС ва барча совет кишилари ПБИП билан ҳамда социализм душманларининг шум ниятларини барбод этиш, кризисни бартараф қилиб, халқнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун курашаётган поляк халқи кучлари билан астойдил биргамдирлар.

Иккала мамлакат ўртасида ҳар томонлама кенг ҳамкорликни ривожлантириш проблемалари муҳокама қилинди.

Совет Иттифоқи ПХРнинг оғир иқтисодий аҳволини эътиборга олиб, унга талайгина моддий ёрдам бермоқда. Ҳозирги вақтда Польшанинг Совет Иттифоқига қарзларини тўлашни кейинги беш йилликка кўчириш, енгил саноат учун қўшимча хом ашё, шунингдек халқ истеъмол қиладиган баъзи молларни етказиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Совет Иттифоқи Польшанинг ўз саноат потенциалидан янада тўлиқ фойдаланишига ёрдам беради. ПХР партияси ва ҳукумати раҳбарлари мана шу қардошларча ёрдам учун самимий миннатдорчилик билдирадилар.

Ҳар иккала томон Совет-Польша дўстлиги — Европада ҳозирги кучлар нисбатининг энг муҳим асосларидан бири эканлигини таъкидлади. Социалистик Польшанинг бунёдга келиши ва ривожланиши қитъадаги вазиятни яхшилашга кўп жиҳатдан ёрдам берди. Халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини бошлаб берган жуда катта ташаббуслар СССР, ПХР ва Варшава шартномасида қатнашувчи бошқа давлатларнинг биргаликдаги ташқи сиёсий ҳаракатлари самарасидир. Совет Иттифоқи ва Польша Европа ва бутун дунёда хавфсизлик ҳамда тинчликнинг таянчи — социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам барча зарур ишни қилишга азму қарор бергандирлар.

Жаҳон империализмининг кучлари социал тараққиёт ишини тўхтатиб қўйишга интилиб, хатарли милитарлаштириш сиёсатини ўтказаётганликларини, халқаро майдондаги ўз ҳатти-ҳаракатлари билан тинчликка таҳдидни кучайтираётганликларини суҳбат қатнашчилари қайд этиб ўтдилар.

Социалистик мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш йўлидаги уринишлар яққол кўриниб турибди. АҚШ конгресси вакиллар палатаси яқинда қабул қилган ва Польшадаги ички аҳволга тааллукли бўлган резолюцияга фақат шундай деб баҳо бериш мумкин. Совет Иттифоқи ПХРнинг шу масалада тутган позициясини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди. Бошқа давлатларнинг ишларига аралашишдан иборат бундай харакатни ҳозирги кескин халқаро вазиятни яна ҳам чигаллаштириб юборади.

Империализм кескинликни тобора кучайтиришга, қуролланиш пойгасини тўхтовсиз давом эттиришга — инсониятга тинчлик тиқиштиришга уринмоқда. Бундай сиёсат барча халқларнинг манфаатларига зиддир.

Учрашув қатнашчилари Совет Иттифоқи билан Польша бундан буён ҳам Совет-Польша ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва халқаро ишларда тинчликсеварликдан иборат принципиал сиёсатини биргаликда амалга ошириш йўлидан боравершишга иккала томон тайёр эканлигини изҳор қилдилар.

Учрашув қардошларча дўстлик ва ўртоқларча ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети 1980—81 йил қиш даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказганликлари, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтирганликлари учун иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар, областлар, автоном округлар, районлар ўртасидаги, колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро корхоналар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари коллективлари ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни голиблар деб топдилар ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотладилар:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

1. Тошкент области.
2. Калинин районидаги Ильич номли колхоз.
3. Пискент районидаги «Коммунизм» колхози.
4. Ўрджоникидзе районидаги Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтининг «Красный водопад» экспериментал базаси.
5. Паркент районидаги «Гулбоғ» картошкакорлик совхози.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА 1981 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИНИ ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пахтакор республикалар ўзаро текшириш бригадаларининг раҳбарлари: Озарбайжон ССРдан — З. Ф. Мусаевнинг, Тожикистон ССРдан — Х. Н. Насриддиновнинг, Туркманистон ССРдан — Г. Г. Гурбановнинг Республика колхоз ва совхозлари 1981 йилда қабул қилинган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликлари тўғрисидаги ахборотини тинглаб шуни қайд этадики, республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг қарорларини бажара бориб, дала ва фермаларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ўн биринчи беш йиллик биринчи йили вазифаларини сабот билан амалга оширмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг катта ёрдами, колхозчилар ва совхоз ходимларининг қаҳрамонона куч-ғайратлари, партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг, касаба союзлари ва комсомол ташкилотларининг моҳирона ташкилотчилик ишлари туфайли шу йилги ноқулай об-ҳаво шароити таъсирини анча бартараф этишга, ғўзанинг ва бошқа экинларнинг ҳолати яхши бўлишини таъминлашга эришилди, бу эса экинларни парваришлашни янада кучайтирган тақдирда қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши учун етарли ҳосилни тўплаш имконини беради. Пилла тайёрлаш юзасидан социалистик мажбуриятлар, давлатга қоракўл тери сотиш йиллик плани оширилиб бажарилди, сабзавот, картошка, мева, гўшт, сут, тухум тайёрлаш бултургига қарағанда анча илдам суръатлар билан олиб борилмоқда. Далаларда шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етилмоқда.

Бунда қардош пахтакор республикалар ўртасидаги анъанавий социалистик мусобақа катта ёрдам бермоқда, ана шу мусобақа бу йил айниқса кенг кулоч ёзиб, амалий тус олди. Мусобақа хўжаликларнинг коллективларини маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга сафарбар этмоқда, мавжуд резервлар ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга кўмаклашмоқда.

Шу билан бирга мусобақадош дўстларнинг текшириши республиканинг айрим районларида, бир қанча колхозлари, совхозларида пахта далаларини бегона ўт босганлигини кўрсатди, қатор ораларига ишлов бериш, ғўзани чеканка қилиш сифати паст эканлиги фактлари қайд этилди, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш сусайтириб қўйилганлиги маълум бўлди. Бошқа камчиликлар ҳам борки, улар ҳосилга зиён етказиши мумкин.

Оҳунбобоев, Ғузор, Гурлан, Жиззах, Қораўзак, Меҳнатобод, Нарпай, Пахтаобод районлари ва бошқа баъзи районларда терим техникаси ремонти чўзиб юборилмоқда. Бир қанча областларда янги ҳосилни қабул қилиб олиш ва қайта ишлашга секинлик билан ҳозирлик кўрилмоқда. Маккажўхорини ўриб-йиғиб олиш ва унинг донини тайёрлаш суръатлари паст. Ем-хашак тайёрлашнинг қулай имкониятларидан ҳамма жойда ҳам фойдаланилаяпти деб бўлмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўзаро текшириш давомида аниқланган камчиликлар айрим партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари хўжаликлар, бригадалар ва фермалар социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликларини, мусобақани авж олдиришни контроллик қилишни сусайтириб қўйганликларининг оқибати деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик, тайёрлаш, мелиорация ва сув хўжалиги, пахта тозалаш саноати, мева-сабзавотчилик хўжалиги министрликлари, «Госкомсельхозтехника»си, «Главсредазирсовхозстрой»га ва уларнинг жойлардаги органлари, колхоз ҳамда совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, бошланғич партия ташкилотларига ҳар бир район, хўжалик, бригадада ўзаро текшириш бригадалари кўрсатиб ўтган камчиликларни тезроқ бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирларни амалга ошириш мажбуриятини юклади.

Бутун август ойи мобайнида экинлар парваришини кучайтириш, ғўзаси ривожланишдан орқада қолаётган участкалар ва далаларда ҳам мўл ҳосил олиш учун уларга алоҳида эътибор бериш, йиғим-терим техникаси ва тайёрлаш тармоқларини тахт қилиб қўйишни тезроқ ниҳоясига етказиш барча қуритиш-тозалаш цехларининг албатта тайёр бўлишини, дефолиацияни юқори сифатли ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўришни назарда тутиш-республика партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхозларнинг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Ҳамма жойда экинларни қисқа муддатларда бегона ўтлардан тозалаш, ҳосили машинада териладиган далаларни белгилаб қўйиш ва уларни пухта тайёрлаб бориш зарур. Етарли миқдорда сифатли уруғлик тайёрлаш учун уруғлик пахта экилган майдонлар ва ихтисослаштирилган пахта тозалаш заводларининг тайёргарлиги алоҳида назорат остига олинсин.

Яқин кунлар ичида терим-транспорт отрядларини тузиб бўлиш ва тажрибали механизаторларни пахта териш машиналарига биркитиш юзасидан барча зарур чораларни кўриш керак. Аэродромлар, транспорт воситалари, тош-тарози хўжаликлари тахт қилиб қўйилсин, йўллар, кўприкларни, пахта сақланадиган ва қуритиладиган майдончалар, бостирмаларни ремонт қилиш тугаллансин.

Пахта йиғим-теримига ҳозирлик кўриш билан бир қаторда маккажўхори ўрим-йиғимида ва унинг донини давлатга топширишда юксак суръатларни таъминлаш, боғ ишини пахта йиғим-терими бошланғунга қадар тугаллаш керак. Шоли ўрим-йиғимига ҳозирлик кучайтирилсин, сабзавот, мева маҳсулотлари, хусусан полиз маҳсулотлари ва узум тайёрлаш тезлаштирилсин, шу маҳсулотларни узлуксиз қабул қилиб олиш, қайта ишлаш ва пухта асраш ташкил қилинсин, аҳолини янги мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш яхшилансин.

Дон ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш топшириқларини сўзсиз бажариш тадбирларини кўриш зарур.

Дала шийпонларида бутун оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, бунда қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига намунали медицина, савдо-сотиқ ва маиший хизмат кўрсатилишини таъминлаш гоят муҳим вазифадир.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш Давлат Комитетига 1981 йилги мажбуриятларни бажариш юзасидан социалистик мусобақани ҳар томонлама ва кенг ёритиш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар, барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни шараф билан бажарадилар, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини юксак меҳнат сафарлари билан якунлайдилар, деб қатъий ишонч билдирди.

ИЖОДИЙ МЕҲНАТИМИЗ БЕШ ЙИЛЛИККА

Наманган области меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақага актив қўшилдилар. Область партия ҳўжалик активининг бўлиб ўтган йиғилиши иштирокчилари социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш, КПСС XXVI съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсияларини муваффақиятли ҳал этиш соҳасида область партия ташкилотининг, барча меҳнаткашлар коллективларининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Область партия комитети биринчи секретари М. Камоловнинг доклади ва Задарё район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Қамбаров, КПСС XXV съезди номли аврали газламалар шойи комбинатининг директори К. Эгамбердиев, «Дўстлик» совхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Шарипов, Чуст районидаги Энгельс номли колхоз раиси О. Жўраев, Ўзбекистон ССР сабзавотчилик хўжаликлари министрлиги, аграр-саноат бирлашмасининг бош директори Б. Рапиғалиев, «Азерселхозхимия» ишлаб чиқаришхимия бирлашмасининг старший агрономи Г. Марданов ўртоқларнинг нутқларида область даштда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида резервлар синчковлик билан аниқланаётганлиги таъкидланди. Саноат корхоналари ходимлари 7 ойлик топшириқни муддатидан илгари бажардилар. Улар пландан ташқари 18,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан капитал қурилиш учун ажратилган маблағ анча кўп ўзлаштирилди. Йирик корхоналар қуриш ва уларни техника билан қуроллантириш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА НАМУНАЛИ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЙЛИК

ОБЛАСТЬ партия комитети ва область ижроия комитети қайд қиладики, областнинг партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари партия XXVI съезди қарорларини бажара бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини амалга ошириб, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари куч-ғайратини пахтадан мўл ва эртаги ҳосил етиштириш, ҳар бир бригада, колхоз, совхоз томонидан 1981 йил учун давлатга пахта сотишни кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши учун курашга сафарбар этиш борасида бир мунча ишларни бажармоқдалар. Асосий диққат-эътибор ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш, ғўза парваришида моддий-техника ресурсларя ва ишчи кучларидан тўла фойдаланиш, сувдан тежаб фойдаланиш, ғўзани органик ўғитлар билан озиқлантириш, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва бегона ўтларга қарши курашишга қаратилди.

Шу билан бир вақтда колхоз ва совхозлардаги техника, транспорт воситалари, моддий-техника базасини, пахта тозалаш заводлари, пахта тайёрлаш пунктларини янги ҳосилни узлуксиз қабул қилиб олишга тайёрлаш ишлари ҳам қизғин бормоқда.

Лекин айрим хўжаликлар ва районларда ғўза парваришш ишларида камчиликларга йўл қўйилмоқда. Суғориш ва культивация технологияси бузилмоқда. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ҳамма ерда ҳар намунали ташкил этилган эмас. Биологик усул имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти. Зараркунандаларга қарши курашда трактор аппаратлари ва захарли химикатлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш керак. Уруғлик учун ажратилган майдонларда ғўза парваришш агротехникаси қоидаларининг бузилишига ҳам йўл қўйилмоқда. «Сельхозтехника»нинг ремонт корхоналари, колхоз ва совхозларнинг устахоналари мавжуд қувватларидан ҳамма ерда ҳам тўла фойдаланилмаяпти. Бир қатор хўжаликларда ремонт ишларига механизатор кадрлар тўла сафарбар этилмаган. Доимий ҳаракатдаги ремонт бригадалари ва звенолари ташкил этилмаган. Булар, табиийки, техниканы тайёрлаш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. «Сельхозтехника» органлари колхоз ва совхозларга зарур миқдордаги запас қисмлар ва ремонт материалларини ўз вақтида ва тўла етказиб беришини таъмин этмаётирлар.

Шунингдек, самолётлар учадиган, қўнадиган майдонлар, йўллар, кўприклар, хирмон жойлар, юк ортиш ва тушириш механизмлари, тош-тарозиларни тайёрлаш, дефолиантлар ва бошқа зарур моддий-техника ресурсларини ташиб келтириш ҳам суст. Пахта тозалаш заводлари ва пахта тайёрлаш пунктларини янги ҳосилни қабул қилиб олиш, сақлаш ва қайта ишлашга тайёрлаш, лабораториялар, қуритиш-тозалаш цехларини керакли асбоб-ускуналар билан таъмин этиш соҳасида ҳам камчиликлар бор. Пахта заводларининг асосий номенклатурасига кираднган заводларни ва қуритиш-тозалаш цехларини технологик ускуналарда ремонтга ишлатиладиган поток линиялар, механизмлар, механизация воситалари ва запас қисмларни етказиб бериш суст бормоқда.

Область партия комитети ва область ижроия комитети, область ва районлар қишлоқ хўжалик ҳамда, тайёрлов органларининг колхозлар, совхозлар, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини 1981 йил ҳосилини йиғиб олиш ва тайёрлашни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирларини маъқуллади. Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари хўжаликларининг раҳбарлари ва партия ташкилотларига беш кунлик муддат давомида ҳар бир колхоз, совхоз, район бўйича ана шундай тадбирларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва бу тадбирларнинг бажарилиши устидан кундалик назорат ўрнатишни топширди. 1981 йил ҳосилини йиғиб олиш, теримни ва пахта тайёрлашни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида область штаби тузилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетларига ҳам ана шундай штаблар тузиш ва бу штабларнинг ишини активлаштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш топширилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги область ишлаб чиқариш бошқармалари, «Ташоблсельхозтехника», «Ташоблсельхозхимия», «Ташзаготхлопкопром» бирлашмалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича область давлат инспекцияларига ва уларнинг жойлардаги органларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларининг асосий вазифаси ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш учун моддий-техника ва меҳнат ресурсларини парваришни кучайтиришга сафарбар этиш, ва шу асосда ҳамма ерда пахтадан мўл ва эртаги ҳосил тўплашга, терим маъсумини уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча тайёргарлик ишларини ўз вақтида тугаллашга эришиш, ҳар бир колхоз, совхоз, бўлим ва бригадада давлатга пахта сотиш юзасидан 1981 йил учун белгиланган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъмин этишдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Боши биринчи бетда).

Кейинги йилларда КПСС Марказий Комитети қабул қилинган қарорларнинг ижросини текширишга эътиборни оширди, ишнинг муайян соҳалари учун шахсан жавобгар турли мансабдаги раҳбарларнинг ҳисоботларини тез-тез тинглаб турадиган бўлди. КПСС Марказий Комитетининг халқ контроли органларига партия раҳбарлигини кучайтириш, бир қанча марказий министрликлар ва идораларда, жойлардаги партия ва совет органларида ижрони текширишни яхшилаш масалаларига доир бир қанча қарорлар қабул қилинди.

СССРнинг янги конституциясига мувофиқ мамлакатда барча контрол органларининг фаолиятини такомиллаштиришга доир муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. СССРда халқ контроли тўғрисидаги қонун қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети ижрони контрол қилиш ва текширишнинг аҳволи КПСС XXVI съездининг кўрсатмаларига тўла мос келмайди, деб ҳисоблайди. Ижрони текшириш кўпчилик партия ташкилотларининг ишида ҳамон танг жой бўлиб қолмоқда. Хўжалик фаолиятидаги кўпгина камчиликлар аниқ контрол системасининг йўқлиги, раҳбарларнинг қоғозбозлигидан келиб чиқмоқда. Бир қанча ҳолларда ижрони текшириш йўл қўйилган хато ва камчиликларни қайд этишдангина иборат бўлиб шу ҳам ҳар замонда ўтказиниб туради. Бунда хато ва камчиликларнинг сабаблари чуқур очиб ташланмайди, интизомсизлик ва уюшқоқсизлик фактларига принципиал баҳо берилмайди. Текширишлар чоғида кўпинча асосий эътибор реал натижаларга қаратилмай, ўтказилган тадбирларни қайд этишга қаратилади. Бошланғич партия ташкилотлари, меҳнат коллективларини олдида турган вазифаларни ҳал этишда уларга ҳамиша ҳам амалий ёрдам берилиб турадиди, деб бўлмайди, ташкилотчилик иши ўрнига кўпинча менгашлар ўтказилади, кўпдан-кўп ҳисобот ва ахборотлар йиғилади. Шундай қилиб, ижро ва контролни ташкил этишга юзаки ёндошиш оқибатида баъзи қарорлар бажарилмаяпти ёки бажарилса ҳам муддатида бўлмаяпти, чала-ярим бажарилаяпти.

Айрим партия комитетлари асоссиз, кўпинча эса унча зарурсиз кўпдан-кўп қарорлар қабул қилиб, уларни партия ташкилотларига юбориб туради. Шу туфайли партия ташкилотларининг ташаббуслари бўғилади, партия ходимлари ва партия активи жойлардаги жонли ташкилотчилик ишларидан чалғитилади.

Саноат баъзи тармоқларининг қолоқлиги, план топшириқларининг бажарилмаслик, хўжасизлик, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик фактлари кўп даражада контроллик қоникарли ташкил этилмаганлиги, кадрлар ижрочилик интизоми ва масъулияти даражасининг пастлиги натижасидир.

Кўпдан-кўп такрорий қарорлар қабул қилишдан иборат нотўғри практикага батамом барҳам берилмаганлиги баъзи партия комитетлари ҳамда марказий идоралар раҳбарларининг бундан аввалги қарорларни бажармасликда айбдор бўлган кишиларга нисбатан кўпинча талабчанликлари етарли эмаслигидан далолат беради. «Афсуски, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПССнинг XXVI съездида, — раҳбарлик санъати бўлар-бўлмасга кўпдан-кўп директив кўрсатмалар бериш ва уларни ниъом қилишдан иборат эмас, деган оддий ҳақиқатни ҳануз ҳамма ҳам чуқур фаҳмлаб олмаган. Қарор қабул қилингандан кейин унинг белгиланган муддатда сўзсиз бажарилишга эришмоқ керак. Контролнинг кучайтирилиши ана шунга ёрдам бериши лозим».

Жойлардаги партия комитетлари ҳар хил оммавий контрол фаолиятини суст мувофиқлаштирмоқда ва йўл қўймоқда.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига КПСС XXVI съезди-нинг қарорларидан, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, ташкилотчилик ишини даражаси янада оширилишини, ижрони контрол қилиш ва текшириш кучайтирилишини, уларнинг форма ва методлари такомиллаштирилишини таъминлашни таклиф қилди. Олдинда турган вазифа контролнинг партия ва ҳукумат директивалари бажарилиши юзасидан амалий иш билан узвий пайваста бўлишига эришишдан иборатдир.

Ижрони контрол қилиш ва текшириш партия ва давлат аппарати ҳар бир бўғинининг, ҳар бир партия совет ва хўжалик раҳбарининг, барча партия ташкилотлари кундалик ташкилотчилик ишларининг энг муҳим таркибий қисми бўлмоғи керак. Партия комитетлари пленумлар ва бюро мажлисларида партия ва ҳукумат директивалари қандай бажарилаётганлигини, ўзлари қабул қилган қарорлар қандай амалга оширилаётганлигини мунтазам кўриб чиқишлари лозим.

Қабул қилинган қарорлар ижросини ва бу қарорлар бажарилишининг боришини контрол қилишни ташкил этиш партия аппаратининг муҳим вазифаларидан бири эканлиги қарорда уқтириб ўтилади. Ижрони амалий текшириш оператив ва планли тусда бўлиши, бу ишда партия активини, мутахассислар кенг кўламда қатнашувига эришиш зарурлигига эътибор жалб қилинди.

КПСС Марказий Комитети таъкидлайдики, ижрони контрол қилиш ва текширишда таъсирчанлиги партия ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш сифатига кўп даражада боғлиқдир. Бу ҳужжатлар турмуш ҳодисалари, партия ишининг практикасини ҳар томонлама, чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқилмоғи, коммунистлар билан партиясизларнинг фикр мулоҳазалари ва таклифларини, меҳнаткашларнинг хатларини назарда тутмоғи, партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг илғор ишлари ва ташаббусларига суянмоғи керак. Қарорнинг ҳар бир лойиҳасида аниқ кўрсатма ва вазифалар бўлишни, уларни ҳал этиш йўл ва усулларини кўрсатиб берилиши, белгиланган чораларнинг конкрет муддатларни ва уларни бажариш учун жавобгар кишилар белгилаб қўйилиши керак.

КПСС Марказий Комитети бошланғич партия ташкилотларида ижрони контрол қилиш ва текшириш даражасини оширишга алоҳида аҳамият беради. Коммунистик бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишда бошланғич партия ташкилотлари биринчи даражали роль ўйнайди. Бошланғич партия ташкилотларида юксак талабчанлик ва ишчанлик, танқид ва ўзўзини танқид, камчиликларга муросасизлик вазияти вужудга келтирилмоғи керак. Партия йиғилишларида, партия комитетлари ва партия бюроси мажлисларида коммунистларнинг қабул қилган қарорларни амалга ошириш борасида қилаётган ишлари тўғрисида берадиган ҳисоботлари ва ахборотларини мунтазам равишда тинглаб бориш, уларнинг ташаббуслари ва ижодий ишларини, амалий таклифлари ва мулоҳазаларини актив қўллаб-қувватлаш лозим.

Партия ташкилотлари маъмуриятнинг фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқини амалга оширувчи комиссиялари тўғрисидаги мавжуд низомга ўзгартишлар киритиш масаласини кўриб чиқиш вазифаси топширилди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетига, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область округ, шаҳар, район партия комитетлари ҳузуридаги партия комиссияларига контролни янада кучайтириш, партия қарорлари сўзсиз бажарилиши учун кадрларнинг интизоми ва масъулиятини кучайтириш чораларини амалга ошириш таклиф қилинди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларига халқ депутатлари Советларининг ишини уларга СССР конституциясида юклатилган контрол қилиш вазифаларини янада активроқ амалга ошириш сари йўллаш вазифаси топширилади.

Халқ депутатлари Советлари сайловчиларининг совет кишиларининг кундалик эҳтиёжлари, талаблари билан боғлиқ наказлари амалга оширилишини таъминлашга, совет қонунлари, иқтисодий ва социал тараққиёт планлари бажарилишини қатъий контрол қилиб туришлари керак.

Қарор министрликлар, идоралар, хўжалик органлари раҳбарларининг зиммасига КПСС XXVI съездининг қарорларидан келиб чиқиб, бошқариш аппаратининг ҳамма бўғинларида партия ва ҳукуматнинг директивалари, буйруқ ва фармойишлари бажарилиши учун кадрлар масъулиятини ошириш, ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш, аниқ контрол системасини тузиш чораларини кўриш вазифасини юклайди.

КПСС Марказий Комитети контролнинг аҳволи учун масъулият бевосита министрлар, давлат ва хўжалик органлари раҳбарларининг зиммасига юклатилишини алоҳида таъкидлайди. Контрол қилиб туришни таъминлашда коллегияларнинг ролини ошириш, қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этиш масалаларини коллегия мажлисларида мунтазам кўриб бориш таклиф этилди.

Министрликлар ва идоралар, хўжалик органларининг партия ташкилотлари партия ва ҳукумат директиваларининг бажариш борасида аппарат қандай ишлаётганлигини контрол қилиб туриш учун ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқдан тўлароқ фойдаланишлар, бюрократчилик, сансалорлик фактларига қарши қатъиян кураш олиб борилсин, давлат планларини ado этиш қабул қилинган қарорларни бажариш учун ходимларнинг шахсий масъулияти оширилсин.

Партия комитетлари коллектив шартномалар бажарилиши, меҳнат қонунларига риоя этилиши, социалистик мусобақа авж олдирилиши устидан контролни кучайтириш, меҳнаткашларнинг барча меҳнат, ҳаёт ва маиший турмуш масалаларини ҳал этиш борасида касаба союз ташкилотларининг ишини ҳамма чоралар билан рағбатлантирсин ва активлаштирсин.

СССР халқ контроли комитетига, жойлардаги халқ контроли органларига ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бевосита контролни амалга оширишда меҳнаткашлар кенг оммасини жалб қилиш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш тавсия қилинди.

Қарорда таъкидланадики, партия комитетлари контрол қилувчи ташкилотларнинг фаолиятини моҳирлик билан йўллаб туришлари ва уларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришлари, баъзи корхона ва муассасалар кўпдан-кўп текшириб ва ревизия қилиб турилиши практикасига барҳам беришлари керак. Текширишларни ўтказишда параллелчилик ва такрорийликка барҳам беришга, халқ контроли органлари, халқ депутатлари Советларининг доимий комиссиялари, «Комсомол прожектори» штаблари, касаба союз ташкилотларининг комиссиялари ишидаги алоқалар мустаҳкамлашга қаратилган конкрет чораларни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

КПСС Марказий Комитети партия комитетлари зиммасига ижрони контрол қилиш ва текшириш масалаларига оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг диққат-эътиборини кучайтириш вазифасини юклади. Бу ишлар ғоятда ошкора бўлишига контрол самарадорлигини оширишнинг, ишлаб чиқаришни, жамият ҳамма ишларини бошқаришга меҳнаткашларни актив жалб этишнинг зарур шарти, деб қаралсин. Марказий, республика ҳамда маҳаллий газеталар ва журналлар, телевидение ва радиоэшиттириш редакциялари меҳнат коллективлари партия ва ҳукуматнинг директиваларини, социалистик мажбуриятларни қандай бажараётганларини ҳар томонлама ёритиб боришлари, КПСС XXVI съездининг қарорларини амалга ошириш чоғида партия ташкилотларининг фаолиятини вужудга келтирган контролнинг энг самарали форма ва методларини тушунарли қилиб очиб беришлари керак.



ПОЙТАХТДАГИ 2-уй-созлик комбинати 4-қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари Новомосковская ва Тимирязев кўчаларида 9 қаватли 220 квартирали турар-жой комплексларини бунёд этишяпти. Суратда: шу объектлар қурилишида фидокорона меҳнат қилаётган Виктор Махин бошлиқ комплекс бригада аъзолари

М. Нуриддинов фотоси.

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА НАМУНАЛИ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЙЛИК

(Боши 1-бетда).

Ана шу мақсадда:

ҳар бир бригада, колхоз ва совхозда ғўзанинг ривожланиш ҳолатини пухта ўрганиб чиқиш, ғўза парваришини кучайтириш ва унинг ривожланишидаги қолоқликни тугатишга қаратилган комплекс агротехник тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш, бунда суғориш ва культивацияни, бегона ўт ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни, чеканкани ўз вақтида ва сифатли ўтказишга алоҳида эътибор бериш;

барча нав ва репродукциялар бўйича юқори сифатли уруғлик чигит тайёрланишини таъмин этиш учун уруғлик учун ажратилган майдонларда парваришни кучайтириб, мўл ва эртаги ҳосил тўплаш. Бунинг учун уруғлик учун ажратилган майдонларда апробацияни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, бу ишнинг натижаларн асосида бригадалар, хўжаликлар бўйича давлатга топшириладиган уруғлик чигит миқдорини белгилаш, уруғлик чигит тайёрлаш учун мўл ҳосил берадиган ғўза пайкалларини ажратиш, бу ерлардаги ўсимлик вилт ва бошқа касалликлар билан жуда кам даражада зарарланган бўлишига аҳамият бериш;

пахтанинг янги, истиқболли навларн уруғлиги тайёрлаш учун етарли миқдорда пайкаллар ажратишни таъминлаш;

уруғлик пахта терувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун совхоз директорлари ва колхоз правлениелари зиммасига кўлда пахта терувчилар учун 20—25 процент кам норма белгилаш;

терилган уруғлик пахталар 30 кундан кечиктирилмасдан тозаланишини ҳисобга олиб, пахта тайёрлаш пунктларн территориясидаги далалардан ҳосили яруслаб машинада терилган уруғлик пахтани сақлаш ва жойлаштиришни намунали ташкил этиш. Яруслаб машинада терилган пахта уруғини техник пахта умумий партиясига ўтказишни йўлга қўйиш;

иш суръатини кучайтириб, пахта териш машиналари, транспорт тракторлари, прицеплар, погрузчиклар ҳамда техника хизмати кўрсатувчи ва машиналарни ёқилғи билан таъминловчи техника восталарини, тўкилган пахталарни терадиган, кўрак терадиган, кўсак чувийдиган машиналар ва бошқа техникаларни мавсумга пухта созлаш;

«Сельхозтехника», колхоз ва совхозларнинг мавжуд ремонт корхоналари қувватидан тўла фойдаланиш, ишни икки сменада ташкил этиш. Ҳар бир хўжалик бўйича механизатор кадрлар билан таъминланишнинг аҳволини кўриб чиқиш, қўшимча зарур бўлган механизатор кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш учун тадбирлар кўриш ва шу асосда пахта териш машиналарининг икки сменада ишлашига эришиш;

ҳар бир машинани тўла-тўкис кўздан кечириб чиқиш учун ремонт ишларига механизаторларни жалб этиш, ҳамма ерда ремонтчилар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш ва терим техникасини ўз вақтида сифатли ремонт қилинишига эришиш;

1 сентябрга қадар барча хўжаликларга техника ва транспорт восталарининг мавсум давомида узлуксиз ишлашини таъмин этадиган миқдорда ёқилғи-мойлаш материалларини келтириб қўйиш, улардан тежамли ва рационал фойдаланиш;

ҳамма ерда терим транспорт отрядларини тузишни ниҳоясига етказиш, техника хизмати кўрсатувчи звеноларни малакали кадрлар билан комплектлаш, уларни хизмат кўрсатиш воситалари, запас қисмлар, ремонт материаллари ва бошқа керакли воситалар билан таъмин этиш, терим техникаси, транспорт воситалари ва бошқа машина механизмларнинг мавсум давомида юксак унум билан ва сифатли ҳамда узлуксиз ишлашига эришишда механизаторлар, инженер-техник ходимларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

янги дала шийпонлари қурилишини ва мавжуд шийпонларни ремонт қилишни, майдонларни, хирмон жойларни асфальтлашни, тош-тарозилар, йўл ва кўприкларни ҳозирлашни тез кунда тугаллаш;

тайёрлов пунктларини шай қилиб қўйиш, уларни зарур механизмлар, ускуналар, ишчи кучлари билан таъмин этиш, ҳар куни йиллик пахта тайёрлаш ҳажмининг 8—10 процентн миқдорида пахта ҳосилини узлуксиз қабул қилиб олишни ташкил этиш, пахта заводлари ва қуритиш-тозалаш цехлари ремонтини тез кунда тугаллаш;

хўжаликлар, районлар ўртасида пахта йиғим-теримига тайёргарликнинг боришини ўзаро текширишда аниқланган камчиликларни тузатишга қаратилган зарур чораларни белгилаш;

ғўза парвариши, техника ремонти ва унн тайёрлаш, пахта тозалаш заводлари, тайёрлов пунктларини тайёрлашда иштирок этадиган ҳамда пахта йиғим-теримига жалб қилинганларнинг юқори унумли ишлашлари учун зарур маданий-маиший шароитларни яратиб бериш тавсия этилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташзаготхлопкопром» бирлашмаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича область давлат инспекцияси, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари зиммасига:

қабул қилинган социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган миқдордаги пайкалларни машина теримига ўз вақтида ажратиш. Ҳосилнинг биологик етилишига қараб барча майдонларда ғўзани дефолиация қилишни энг қулай, муддатларда, қисқа вақт ичида ўтказиш, бунинг учун эса мавжуд трактор аппаратларидан юқори унум билан фойдаланилишини таъмин этиш;

колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, теримчилар пахта тайёрлаш пунктларни ҳодимлари ўртасида етиштирилган ҳосилни эрта муддатларда тез ва соз йиғиб-териб олиш давлат аҳамиятига эга бўлган иш эканлигини, терим пайтида, пахтани машиналарга юклаш, ташиш, тушириш, сақлаш ва қайта ишлаш даврида сифатининг бузилишига ва нобуд бўлишига йўл қўймаслик;

колхоз ва совхозларнинг, пахта тозалаш заводлари, пахта тайёрлаш пунктлари раҳбарлари, мутахассислари, бригадирлар ва теримчиларнинг бу муҳим вазифани аъло даражада бажаришлари учун шахсий жавобгарликларини кучайтириш, пахта ҳосилини бригада усулида қабул қилиб олиш учун ҳамма ерда қўшимча тадбирларни амалга ошириш. Пахтанинг навн, намлиги ва ифлосланиш даражасини нотўғри белгилаш сингари ҳар қандай хатти-ҳаракатларга ўз вақтида барҳам бериш вазифаларн юклатилди.

Область қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги бошқармалари, «Ташзаготхлопкопром» бирлашмаси, «Облколхозстрой» трести, район партия комитетлари, район ижроия комитетларига пахта тозалаш заводлари, пахта тайёрлаш пунктлари, қуритиш-тозалаш цехлари ва бошқа объектлар қурилиши ва ремонт ишларининг боришини кўриб чиқиш, бу соҳадаги қолоқликни тугатиш учун конкрет тадбирларни амалга ошириш, шу асосда уларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилишн ва янги ҳосилни қабул қилиб олишга намунали тайёрланишини таъмин этиш тавсия этилди.

Сергели авиакорхонасига «Ташобгслельхозхимия» бирлашмаси буюртмалари бўйича ғўза дефолиациясини ўтказиш учун зарур миқдорда самолётлар ва вертолётлар ажратиш топширилди. Экипаж командирлари зиммасига дефолиация ўтказишнинг белгиланган қоидаларига қатъий риоя қилиш, иш сифатининг юқори бўлиши ва самолётларнинг унумли ишлашини таъмин этиш, техника хавфсизлигн тадбирларининг бажарилишига эришиш вазифаси юклатилди.

Шаҳар партия комитетлари, район партия комитетлари, шаҳар ва районларнинг ижроия комитетлари, саноат корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари, партия ташкилотлари зиммасига колхозлар, совхозлар ва тайёрлов пунктларига пахтани қуритиш учун асфальт ётқизилган майдонларни қуриш ва ремонт қилиш, сушилка қуритиш цехларини, хўжаликларнинг ички йўл ва кўприклари, пахта териш техникасини ремонт қилиш ва техника хизматн кўрсатишда оталиқ ёрдамини кўрсатиш учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, «Ташзаготхлопкопром» бирлашмаси ва Тошкентдаги «Эталон» тажриба заводига 10 сентябрдан кечикмасдан колхозлар ва совхозларда, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларида тош-тарози, ўлчов приборларини ремонт қилиш ва созлашни ниҳоясига етказиш топширилди.

Область матлубот жамияти, маҳаллий саноат область бошқармаси, ички ишлар, савдо бошқармалари, «Ташзаготхлопкопром» ва «Ташоблсельхозтехника» бирлашмаларига, район ижроия комитетлари зиммасига қишлоқ механизаторларига пахта йиғим-терими ва тайёрлаш пайтида зарур бўладиган миқдордаги тош-тарозилар, фартуклар, қоп-қанорлар, флягалар, кўмир, чўян печлар, иссиқ кийимлар, керза этиклари, калишлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарларни ўз вақтида ташиб келтириш вазифаси юклатилди. Бу товарлар биринчи ярим йиллик фонди бўйича олинади.

Автомобиль йўллари қурилиши ва эксплуатацияси область бошқармаси, область қишлоқ хўжалик бошқармаси, «Ташзаготхлопкопром» бирлашмаси ва район ижроия комитетларига биринчи сентябрдан кечиктирмасдан автомобиль йўллари ва кўприкларни, ҳамда колхоз ва совхозларга, тайёрлов пунктларига олиб борадиган йўлларни ремонт қилишни тугаллаш тавсия этилди.

Область халқ контроли комитетига, область ички ишлар бошқармасига, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича область давлат инспекциясига, район партия комитетлари, район ижроия комитетларига колхоз ва совхозлар, пахта тозалаш заводлари ва пахта тайёрлаш пунктларига пахта теримига тайёргарликнинг боришини назорат қилишни кучайтириш, бунда йиғим-терим, пахтани транспортларга юклаш, тушириш, сақлаш ва қайта ишлаш пайтида нобудгарчиликка йўл қўймаслик ва пахта сифатининг бузилмаслигига алоҳида эътибор бериш топширилди.

20 августга қадар барча колхоз ва совхозларда, тайёрлов пунктларида ёнғин хавфини олдини олиш ишларининг аҳволини ҳамда давлат ёнғин назорати органлари томонидан берилган тавсиялар, ишлаб чиқилган тадбирлар қандай бажарилаётганлигини текшириб чиқиш топширилди.

Область маданият, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармалари, область соғлиқни сақлаш бўлими, область алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармасига пахта теримида қатнашадиган колхозчилар, совхоз ишчилари, барча аҳолига намунали хизмат кўрсатишга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик бошқармасига, касаба союзлари ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда меҳнатга қобилиятли барча колхозчилар, совхоз ишчиларини пахта теримига сафарбар этиш, ҳар бир механизатор, теримчи томонидан белгиланган қундалик нормаларнинг бажарилиши ва ошириб бажарилиши учун улар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани авж олдириш, терим илғорларини рағбатлантиришда моддий ва маънавий омиллардан кенг фойдаланишга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилди.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзлари область, район комитетларига колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар меҳнатига ўз вақтида ва тўғри ҳақ берилишини, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши, дефолиантларни ишлатишда санитария қоидаларига амал қилиниши, терим техникаси ва механизмлардан фойдаланиш хавфсизлиги таъминланишини назорат қилиб бориш-лари зарур.

Ўзбекистон ЛКСМ область комитетига техникани, механизатор кадрларни тайёрлаш, терим техникаси имкониятларидан тўла ва самарали фойдаланиш учун мусобақанинг таъсирчанлигини оширишда комсомол ташкилотларининг актив иштирок этишларини таъминлаш тавсия этилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида пахта йиғим-теримн ва давлатга топшириладиган юксак кўрсаткичларга эришиш учун ўтказиладиган социалистик мусобақанинг шартларини тасдиқлади. Бу шартлар матбуотда эълон қилинади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари район комитетларига, район комсомол комитетларига хўжаликлар, бригадалар, механизаторлар ўртасида 1981 йилги пахта йиғим-терими ва пахта тайёрлаш мавсумида энг юқори кўрсаткичларга эришиш учун район бўйича ўтказиладиган социалистик мусобақаси шартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газета редакциялари, область телевидениеси ва радио эшиттириш редакцияларига 1981 йилги мавсумда пахта йиғим-теримига тайёргарлик ва бу ишни ташкил этиш, пахта тайёрлаш қандай бораётганлигини кенг ёритиб бориш топширилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари саҳифаларида «Ҳурмат пахтаси» таъсис этишга ва унга давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари бажарган районларни ёзиб боришга қарор қилинди.

ИЖОДИЙ МЕҲНАТИМИЗ БЕШ ЙИЛЛИККА

(Боши 1-бетда)

Область деҳқонлари ва чорвадорлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларни амалда бажармоқдалар. Донли экинлар тайёрлаш, картошка топшириш юзасидан белгиланган топшириқлар адо этилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турлари тез суръатлар билан тайёрланмоқда. Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида вужудга келган қийинчиликларга қарши пахтакорлар уюшқоқлик билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Далаларда мўл-кўл «оқ олтин» ҳосили етиштирилмоқда.

Нотиқлар мавжуд камчиликларни кўрсатиб ўтдилар. Тўртта саноат корхонаси 7 ойлик программани бажармади ва натижада қариб бир миллион сўмлик кам маҳсулот берди. Бир қанча қурилиш-монтаж ташкилотлари ҳам топшириқни уддалай олмадилар.

Баъзи пахта далаларида ғўзалар чанқатиб қўйилганлиги, баъзи районларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши сўст кураш олиб борилаётганлиги таъкидланди. Гўшт, сут, тухум топшириш суръатлари умумреспублика миқёсида эришилган даражадан паст. Зафарё, Норин ва бошқа баъзи районларда маккажўхори ўрим-йиғими секин олиб борилмоқда. Сабзавот, мева, полиз, узум тайёрлаш суръатлари паст.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни дарҳол бартараф этиш учун зарур чоралар белгиланди. Ғўзаси ривожланишдан орқада қолган участкалар алоҳида назорат остига олиниши керак. Пахта йиғим-терими бошланғунча маккажўхори ва бошқа экинлар ҳосили йиғиштириб олиниши, такрорий ва оралиқ экинлар экишга киришиш лозим. Жамоат чорвачилиги учун бу йил икки йиллик запас озуқа тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Пахта йиғим-теримига тайёргарлик зўр ғайрат ва собитқадамлик билан ишлашни талаб қилади, деб таъкидлашди йиғилиш иштирокчилари. Август ойи ичида ўрим-йиғим—транспорт отрядлари ва звеноларини тузишни тугаллаш, пахтаси машина билан териладиган майдонларда дефолиацияни сифатли ва тез ўтказиш лозим. Бригада бўйича ҳосилни қабул қилиб олиш ва пахтанинг сифатига баҳо бериш прогрессив усули кенг оммалаштирилади.

Мана шу ишларнинг ҳаммаси беш йилликнинг биринчи йилида Ватанга 555 минг тонна пахта етказиб беришдан иборат асосий мақсадга эришишга қаратилиши лозим. Ҳосилнинг 65 процентини сентябрь ойида териб олиб, 20 октябргача пахта тайёрлаш планини бажариш учун ҳамма имкониятлар бор.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш иштирокчилари область меҳнаткашлар коллективлари ўн биринчи беш йиллик биринчи йилига қабул қилган обширлган социалистик мажбуриятларни якдиллик билан маъқуллади-лар. улар бутун кучларини КПСС XXVI съезди белгилаган вазифаларни муваффақиятли бажаришга бағишлайдилар, деб айтдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Намаёган.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ — МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ ГАРОВИ

Сўз — Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари ўзаро текшириш бригадалари раҳбарларига

Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон қишлоқ меҳнаткашларининг ўзаро текшириш делегациялари ўз ишларини ниҳоясига етказдилар.

Қардош пахтакор республикалар меҳнаткашлари ўртасида ўзаро текшириш ўтказиш ажойиб анъана бўлиб қолди. Ҳозирги ўзаро текшириш СССР халқлари бузилмас дўстлигининг яна бир ёркин далили бўлди. Бу текшириш КПСС XXVI съездининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари туфайли шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда ўтди.

Қардош республикалардан келган мусобақадош дўстларимиз Ўзбекистондаги кўп хўжаликларда бўлдилар. Улар ҳамма жойда деҳқонларнинг ўз олдиларида турган вазифаларни бажариш учун сабот-матонат ва собитқадамлик билан кураш олиб бораётганлигини кўрдилар. Қардош республикаларнинг вакиллари социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини ҳар томонлама таҳлил этиб, кўзга киритилган муваффақиятларни кўрсатдилар, қийинчиликларга ташаббус ва маҳоратни қарама-қарши қўяётган, техникадан, олимларнинг тавсияларидан моҳирлик билан фойдаланаётган илғорларнинг ишига яхши баҳо бердилар.

Шу билан бирга улар аниқланган камчиликларни дўстона қайд этиб, кўпгина қимматли тавсия ва маслаҳат бердилар. Буларнинг амалга оширилиши мўл ҳосил етиштириш, пахтани ҳеч нобуд қилмай қисқа муддатларда териб олишга кўмаклашади. Мусобақадош дўстлар билан учрашув Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашларининг бу йил 5,9 миллион тонна пахта етиштирамиз деб Ватанга берган ваъдаларини шараф билан бажаришлари, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўзаро текшириш якунлари юзасидан қабул қилган қарори республика деҳқонлари ва чорвадорларининг навбатдаги вазифаларини белгилаб берди, барча қишлоқ меҳнаткашларини, партия, совет органларини, жамоат ташкилотларини КПСС XXVI съездининг қарорларини сўнгсиз бажаришга, дала ва фермаларда маҳсулот етиштириш ҳамда танёрлашни бутун чоралар билан кўпайтиришга ундаладилар.

КУЧИМИЗ БИРЛИКДА

ЎЗБЕКИСТОН ва Озарбайжон пахтакорларининг анъана бўлиб қолган учрашувлари қардош халқлар бузилмас дўстлигининг яна бир ёркин далили, халқларимиз мамлакат иқтисодиёти ва маданиятини янада юксалтиришнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихий XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев белгилаб берган улуғвор программаси муваффақиятли равишда бажаришга муносиб ҳисса қўшишга астойдил интилаётганлигининг далилидир.

Республикангизнинг кўпгина хўжаликларида бўлиб, ажойиб кишилар — кўпгина касб намояндалари билан учрашиб, биз қардош Ўзбекистон меҳнаткашларининг ижодий завқ-шавқи ва илҳоми, сиёсий-активлиги ва меҳнат ғайрати мислсиз жўш урганлигининг шоҳиди бўлдик. Уларнинг ҳаммаси ҳақиқатан ҳам 1981 йилни, КПСС XXVI съезди бўлиб ўтган йилни, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини янги меҳнат муваффақиятлари билан муносиб нишонлаш иштиёқидадирлар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, шоҳли пахтакорлари сиймосида биз ўз ишининг чинакам усталарини учратдикки, улардан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Леонид Ильич Брежневнинг «Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади!» деган ажойиб сўзлари беихтиёр ёдимизга тушаверди.

Биз Тошкент, Наманган, Самарқанд ва Жиззах областлари хўжаликларида бўлган вақтимизда социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини текшириб, мавжуд камчиликларни қардошларча кўрсатдик. Ўзбек қардошларимиздан, образли қилиб айтганда «пахтачилик академияси» бўлмиш республикадан кўп нарсани ҳам ўрганиб олдик.

Умуман Ўзбекистонда ғўзаларнинг ҳолати яхши, биз Галаба, Чиноз, Бўка, Жиззах, Каттақўрғон, Пахтачи районларини ва бошқа кўпгина районларнинг мўл ҳосил олиш учун мустаҳкам замин ҳозирлаган пахтакорлари меҳнат-ғайратига юксак баҳо берамиз. Самарқанд областидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фармон Болтаев ва Юнус Юнусов, Жиззах областидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Расул Ҳайдаров ва Тўлан Дадажонов, Тошкент областидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Сулаймонов ва Юсуфжон Нишонов, Наманган областидан КПСС XXVI съезди делегати Санобар Раҳмонова ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдураҳмон Жўраев бошлиқ бригадалар коллективларининг ишлари бизда зўр таассурот қолдирди. Ана шу коллективлар ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини рекордли ҳосил йилига айлантириш мажбуриятини олишган. Биз юртимизга қайтиб боргач, уларнинг илғор тажрибасидан кенг фойдаланамиз.

Шу билан бирга биз хотиржамликка йўл қўйилаётган, ғўза парваришини ташкил этиш ва ўтказишда ҳамда янги ҳосил йиғим-теримига ва уни тайёрлашга ҳозирлик кўриш ишларига эътибор сусайтирилган районлар ва хўжаликлар ҳали мавжуд деб ҳисоблаймиз. Наманган, Чортоқ, Иштиҳон, Хатирчи, Октябрь, Ўрта Чирчиқ районларининг хўжаликларида биз ана шундай фактларга дуч келдик. Ана шу ва бошқа районлардаги бир қанча хўжаликларда суғориш, ғўзани чеканка қилиш сифати паст, культивация ўз вақтида ўтказилмаяпти ва бунда иш органларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Органик ўғитлар етарлича солинмаяпти, далаларни текшириш қониқарли даражада ташкил этилмаган. Бу эса қишлоқ хўжалик зараркунандалари тарқалишига олиб келади. Пахта териш машиналари, трактор прицеплари, кўсак чувиш машиналари ва бошқа машина-механизмларни тайёрлашда ҳам нуқсонлар бор. Ўзбекистон Компартияси район ва область комитетларининг кенгайтирилган бюро мажлисларида ана шу барча камчиликлар тўғрисида конкрет гапириб ўтилди ва уларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Биз шуни қувонч билан маълум қиламизки, партия XXVI съезди илгари сурган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига орденли Озарбайжон меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Республика меҳнаткашлари ўртоқ Л. И. Брежнев 1978 йил сентябрида Боқуда бўлган вақтида беш йиллик топшириқларини тўрт йил-у, тўрт ойда бажариш тўғрисида берган ваъдаларини шараф билан адо этдилар. Озарбайжон ССР ўнинчи беш йиллик планлари ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганлиги учун учинчи марта Ленин ордени билан мукофотланди. Леонид Ильич республикамиз меҳнаткашларини юксак галаба билан самимий табриклади.

Бизнинг барча муваффақиятларимиз — ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлилари фидокорона меҳнатининг, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, унинг бюроси олиб бораётган катта сиёсий ва ташкилотчилик ишининг, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг образли ибораси билан айтганда яшаш ҳам, ишлаш ҳам соз бўлган республикадаги соғлом амалий вазият натижасидир.

Озарбайжоннинг қишлоқ хўжалиги тез суръатлар билан ривожланмоқда. Шу нарса қувончлики, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ўстиришга асосан қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ва чорва маҳсулдорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини таъминлаш ҳисобига эришилди.

Буни қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи — пахтачилик мисолида яққол кўрсатиш мумкин. 1980 йилда пахта ҳосилдорлиги республикада ўрта ҳисобда гектар бошига 35,4 центнерни ташкил этди, ялпи ҳосил эса 900 минг тоннага яқинлашиб қолди. Бу — тармоқ тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Бу кўрсаткичга пахтакорларнинг маҳорати ўсганлиги, тармоқнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланганлиги, шунингдек ғўза селекцияси ва уруғчилигини яхшилашга, уни парвариш қилиш агротехникасини яхшилаш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматини йўлга қўйишга қаратилган туб тадбирлар туфайли эришилди.

Республика пахтакорлари бу йил ҳам мўл ҳосил учун астойдил қурашмоқдалар. Ҳозир пахта далаларида жуда яхши ҳосил етилмоқда. Бу эса республика пахтакорларига Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети ҳақида ўтказган зона кенгашларида янги вазифани — Ватанга пландаги 600 минг тонна ўрнига камида 1 миллион тонна «оқ олтин» сотиш вазифасини илгари суриш учун асос бўлди.

Озарбайжонда бошқа бир муҳим тармоқ — узумчилик тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Келгуси ўн йил мобайнида Озарбайжонда узум етиштиришни 2,5—3 миллион тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Биз сизларнинг республикангизда ҳам узумчилик интенсив ривожлантирилаётганлигингиз шоҳиди бўлдик, бу эса бизни қувонтиради. Шу боисдан бир қанча дўстона истакларни айтиб ўтишга ижозат берғайсиз. Даставвал, бизнинг фикримизча, токларнинг истисносиз ҳаммасини шпалер (ишком)ларга кўтариш зарур. Бунда темир-бетон устунлар баланд, камида уч метр бўлиши керак. Бу эса токнинг ҳосилдорлик кучини ошириш имконини беради. Дастлабки вақтларда бизда бўлгани каби афтидан, ҳозир сизларда ҳам устунларни ишлаб чиқаришда қийинчиликларга дуч келинаётган кўринади. Шу масалани муваффақиятли ҳал этиш учун республика, областлар ва ҳатто районлар қурилиш ташкилотларининг барча мавжуд қувватларини сафарбар этиш, уларга конкрет топшириқларни белгилаб бериш зарур деб ҳисоблаймиз. Янги токзорларни барпо этиш чоғида соф навлардан фойдаланиш муҳим, бошқача қилиб айтганда навларнинг аралашиб кетишига асло йўл қўйиш мумкин эмас. Ҳозирнинг ўзидаёқ деҳқонлар ва виноназ кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги масалани ҳам ўйлаш зарур. Қайта ишлов чи заводларга келганда шуни айтиш керакки, бизда бундай заводлар совхоз ишлаб чиқариш участкаларидан биридир.

Биз шуни яхши тушунамизки, хўжалик ва маданий қурилишда кейинги йилларда эришилган катта муваффақиятларга қарамай республика олдида турган масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш соҳасида биз яна ҳам астойдил ишлашимиз керак. Бугунги кунда барча совет кишиларига каби Озарбайжон меҳнаткашларининг ҳам ишлари ва фикр-ўйлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди белгилаган юксак марраларга эришишга муносиб ҳисса қўшишга қаратилгандир.

Леонид Ильич Брежневнинг қуйидаги сўзлари ҳаммамизга илҳом бахш этмоқда. У айтдики, совет кишилари ўзларининг мустаҳкам бирлиги, бир-бирларига ёрдам бериш, Коммунистик партия раҳбарлигида буюк мақсад — коммунизм сари биргаликда ҳаракат қилиб боришга тайёрлиги билан кучли эканлигини яқши билади. Мамлакатимизнинг қардош халқлари ҳамиша — оғир синов йилларида ва шонли тантана кунларида ғалаба қувончини ҳам, муваффақиятсизликлар аламини ҳам баҳам кўрадилар, уларнинг бутун фикри-зикри муштарак бўлиб, улар айни бир йўлдан бормоқдалар.

Қуёшли Ўзбекистон меҳнаткашларига сиҳат-саломатлик, ғоят катта бахт-саодат, олижаноб ишларида янгиданянги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. Ўзбекистонлик қардошларимиз социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ўзларининг фидокорона меҳнати билан рекорд пахта ҳосили олинишини таъминлашларига, йиғим-терим кампаниясини уюшқоқлик билан қисқа муддатларда ўтказишларига, 1981 йилги план ҳамда социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига эришишларига ва шу тариқа КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг тарихий қарорлари амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшишларига аминмиз.

З. МУСАЕВ,
Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети Сув хўжалиги ва сув хўжалиги қурилиши бўлимининг мудири.

ЯНГИ МЕҲНАТ ҒАЛАБАЛАРИ САРИ

ЎЗБЕКИСТОН ва Тожикистон халқларининг қардошларча дўстлиги кўп асрлардан буён давом этмоқда. Дўстлигимизнинг шакллари ҳилма-хил. Илғор тажрибани оммалаштириш, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам бермоқда. Республикаларимиз меҳнаткашларининг мусобақаси яхши анъанага бўлиб қолди. Бу мусобақа ҳозир қудратли кучга айланиб, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришга баракали таъсир ўтказмоқда. Меҳнат беллашуви бизга халқ хўжалиги вазифаларини адо этишда, фан-техника тараққиётини тезлатишда ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон ва Тожикистон қишлоқ меҳнаткашларининг мунтазам учрашиб туришлари КПСС ленинча миллий сиёсатининг донолиги ва келажакни олдиндан кўра олишини, Советлар мамлакати халқлари кўп миллатли оилисида халқларимизнинг бузилмас дўстлигининг ажойиб намунаси бўлиб қолди. Бу дўстлик доимий равишда мустаҳкамланиб ва ривожланиб бормоқда, унинг янги-янги формалари вужудга келмоқда.

Бу йилги учрашувимиз ҳам қувончлидир. Бу учрашув мамлакат халқ хўжалигини ўн биринчи беш йилликда ривожлантиришнинг улкан программасини ишлаб чиққан КПСС XXVI съезди бўлиб ўтган йилда ўтмоқда. Улуғ Ватанимиз меҳнаткашлари съезд қароридан, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларидан келиб чиқадиган улуғвор вазифаларни бажаришга киришдилар.

Биз қаерда бўлмайлик, ҳамма жойда партия программаси муваффақиятли амалга оширилаётганини кўрдик. Ажойиб республикангизда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари бўйича катта-катта муваффақиятларга эришилди. Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучлари анча ўсди. Фан ва маданият янада ривожланди, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ошди. Республика меҳнаткашларининг катта ютуқлари Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди.

Тожикистон меҳнаткашлари қардош Ўзбекистон ютуқлари билан фахрланадилар. «Бировнинг бахти — сенинг бахтинг» — дейилади тожик халқининг доно мақолида.

Бу йил об-ҳаво ва иқлим шароити ғоят ноқулай келди. Узоқ давом этган ёғингарчилик, ҳавонинг кескин совиб кетиши, дўл, сел ўсимликларнинг сезкин ривожланишига сабаб бўлди. Ўзбекистон пахтакорлари табиатнинг бу инжиқликларига ўз ташаббускорликларини, чинакам фидокорона, қаҳрамонона меҳнатлари, бой тажрибаси, билими ва маҳоратини қарама-қаршн қўйиб, партия органларининг, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг бевосита раҳбарлиги остида ажойиб натижаларга эришдилар. Биз қардош Ўзбекистоннинг қишлоқ меҳнаткашлари зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини тўла бажариш учунгина эмас, балки ортиғи билан адо этиш учун мустаҳкам замин яратганликларига ишонч ҳосил қилдик.

Биз жуда кўп пахтакорлар, чорвадорлар, ғаллакорлар, сабзаводчилар, боғбонлар — ўз ишининг ҳақиқий усталари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг талантли ташкилотчилари билан учрашдик, уларнинг белгиланган марраларни эгаллаш учун нақадар зўр ғайрат билан меҳнат қилаётганларини кўрдик.

Делегациямиз аъзолари Фарғона областидаги Бувайда, Олтиариқ, Киров, Ленинград районлари, Сурхондарё областидаги Ленин йўли, Жарқўрғон, Қумқўрғон районлари, Андижон областидаги Балиқчи, Бўз, Москва районлари, Сирдарё областидаги Боёвут, Ильич, Комсомол районлари ҳамда бошқа районларнинг пахтазорларини кўриб мамнун бўлдилар. Юзлаб бригадалар гектаридан 50—60 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. Бу ерда ҳар гектар суғориладиган ердан, техникадан, ўғитдан, сувдан ва бошқа ресурслардан, самарали фойдаланиляпти. Ғўза моҳирлик билан парвариш қилинаётганлиги туфайли хўжаликларнинг асосий кўпчилигида ўсимликларнинг энг маъқул қалинлигига эришилган ва ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар туп ғўзада кўп миқдорда ҳосил элементлари вужудга келтирилган, бу эса баракали ҳосилнинг гаровидир.

Мутахассислар, хўжалик раҳбарлари ва олимларнинг фикрича ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши бир мунча орқада қолган. Шу сабабли ҳозирги кунлар ҳосил тўплаш учун ғоят масъулиятлидир. Биз бўлган жойларда мўл ҳосил устаси қолоқликни тугатиш учун ҳар кун ва ҳар соатдан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар.

Фан пахта етиштиришни кўпайтиришга катта ҳисса қўшмоқда. Республикада ғўза парваришини комплекс механизациялаш имконини берувчи бир қанча юксак унумли машиналар яратилган, пахта етиштириш технологияси такомиллаштирилмоқда. Сўнгги йилларда селекционер олимлар ғўзанинг янги серҳосил ва тезпишар навларини яратдилар. Бу навлар фақат Ўзбекистонда эмас, шу билан бирга бошқа республикаларда ҳам пахта ҳосилдорлигини ошириш имконини бермоқда. Масалан, Ўзбекистон селекционерлари яратган ғўзанинг янги навлари Тожикистонда катта майдонларга экилмоқда. Бунинг учун биз ўзбек олимларидан миннатдормиз.

Республикада «оқ олтин» йиғим-теримига тайёргарлик тез суръатлар билан бораётганлиги кувончлидир. Кўпчилик районларда ипатоволиклар методи асосида йиғим-терим-транспорт комплекслари тузилмоқда. Пахта териш машиналари механик-хайдовчиларининг катта отрядлари тайёрланган. Барча йиғим-терим ва транспорт техникаси тахт қилиб қўйилмоқда.

Делегациямиз Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг яна бир етакчи тармоғи — чорвачилик билан ҳам танишди. Республикада чорвачиликни марказлаштириш ва ихтисослаштириш, йирик бўрдоқичилик бирлашмалари, хўжаликлараро комплекслар барпо этиш юзасидан жуда катта иш қилинаётганини кўрдик.

Мустаҳкам ем-хашак базаси барпо этилмоқда. Сўнгги йилларда алмашлаб экиш актив жорий қилинляпти, бедапоялар кенгайди. Ихтисослаштирилган маккажўхорикорлик бригадалари тузилган бўлиб, улар гектаридан 100 центнер ва ундан ҳам зиёдроқ маккажўхори дони олмоқдалар. Сабзаводчилар ва сохибкорлар иши билан танишиб мамнун бўлдик.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш муваффақиятлари кўп жиҳатдан меҳнат ва турмуш шароитига боғлиқдир. Бу соҳада республикада катта иш қилинаётганлигини зўр қониқиш билан таъкидлаб ўтамиз. Кўп хўжаликларда ҳозиргина ўзидаёқ деҳқонларнинг унумли меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун яхши шароит яратилган. Ҳамма жойда қишлоқлар қиёфаси ўзгармоқда. Ҳамма қулайликлари бўлган уйлар, социал маданий объектларга эга бўлган замонавий посёлкалар қурилаётир. Яхши жиҳозланган дала шийпонлари ва шу шийпонлар ҳузуридаги болалар боғча ва яслилари айниқса бизга маъқул бўлди.

Биз қишлоқ хўжалиги учун республикада ёш ўринбосарларни қанчалик пухта ва меҳр билан тайёрлаётганликларини кўрдик. Ҳамма жойда мураббийлар кенгашлари ишлаб турибди, ўқувчиларнинг касб танлаш ишлари яхши йўлга қўйилган, революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати музейлари, уйлари, хоналари ва бурчаклари барпо этилмоқда.

Бизнинг ишимиз якунлари район, шаҳар ва область партия комитетлари бюроларининг кенгайтирилган мажлисларида, қишлоқ хўжалик ходимлари йиғилишларида муҳокама қилинди. Бизнинг маслаҳатларимиз ва таклифларимиз юзасидан камчиликларни тугатишга қаратилган конкрет чоралар кўрилди.

Катта ишонч билан айта оламизки, қардош Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари қабул қилган юксак социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилади. Тожикистон меҳнаткашлари ҳам бош йилликнинг биринчи йилини маълум ютуқлар билан нишонламоқдалар. Саноат ва капитал қурилиш бўйича етти ойлик план муваффақиятли бажарилди. Тожикистон пахтакорлари ғоят ноқулай об-ҳаво шароити оқибатларини бартараф этиб, давлатга пахта сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун ғайрат билан кураш олиб бораётирлар.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари давлатга пилла ва қорақўл тери топшириш йиллик планларини бажардилар. гўшт, сут, тухум, жун, ғалла топшириш етти ойлик планини оширнб адо этдилар. Сабзавот, полиз маҳсулотлари ва мева тайёрлаш муваффақиятли давом этмоқда.

Бешкент водийсида, Вахш ва Қорадум массивларида, Данғара чўлида кўрик ерларни ўзлаштириш давом этмоқда.

Биз бир ҳафта давомида Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари қабул қилган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги билан, деҳқонлар ва чорвадорларнинг ютуқлари билан танишдик, иш тажрибасини ўртоқлашдик. Ўзбекистоннинг меҳнаткаш қардош халқи ўзининг бой тажрибасини, истеъдодини ва маҳоратини ишга солиб ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаради ва Ватанимизни меҳнатда ҳам муваффақиятлар билан ҳушнуд этади, деган зўр ишонч туйғуси билан қайтмоқдамиз.

Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашларининг илғор тажрибаси кўп жиҳатдан бизга яхши мактаб бўлиб хизмат қилади. Делегациямиз аъзолари республикангиз бўйлаб сафар қилган вақтларида деҳқонлар ва чорвадорларнинг ажойиб меҳнати ва муваффақиятларини кўрдилар.

Бутун қалби, онгу шуури ўзбек халқига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди тарихий қарорларини амалга оширишда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳ. НАСРИДДИНОВ,
Тожикистон ССР мелиорацня ва сув хўжалиги министри.

ЯГОНА САФДА

ХАЛҚИМИЗНИНГ ўз жанговар авангарди — улуғ Коммунистик партия ва унинг замонамизнинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби, инсоният бахт-саодати учун, бутун жаҳонда тинчлик учун толмас курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги ленинчи Сиёсий бюросига меҳр муҳаббати кенг меҳнаткашлар оммасининг меҳнатдаги ғайрат-шижоати ғоят кенг қулоч ёйганлигида янада зўр куч билан намоён бўлмоқда.

Янги меҳнат зафарларига интилиш социалистик мусобақа кенг авж олганлигида, самарадорлик ва сифатни ошириш резервлари доим қидириб топилаётганлигида ўзининг конкрет ифодасини топмоқда. Қардош пахтакор республикаларнинг мусобақаси анъана бўлиб қолди, бу мусобақа сафарбар қилувчи буюк кучга эга бўлиб, халқларимизнинг мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётган қардошлигига хизмат қилади, ленинча миллий сиёсатимизнинг, бузилмас дўстлигимизнинг ва экономика ҳамда маданиятни янада юксалтириш соҳасидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишда ўзаро яқиндан ёрдам берилаётганлигини тасдиқловчи ёрқин далилдир.

Бизнинг ҳар бир учрашувимиз, олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини ўзаро текшириб чиқишимиз ҳаммамизни қимматли тажриба билан бойитади, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоғини ривожлантириш соҳасида имкониятларни аниқлаш ва улардан тўлароқ фойдаланиш имконини беради. Туркманистон пахтакорлари ўзларининг ўзбек қардошларини пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришнинг ғоят моҳир усталари деб ҳаммша ҳисоблаб келмоқдалар, ишлаб чиқаришнинг илғор методларини улардан ўрганиб, ўз муваффақиятларини ҳам улар билан бирга баҳам кўрмоқдалар.

Қардош Ўзбекистон халқ хўжалиги барча тармоқлари меҳнаткашларининг шу йилни ишлаб чиқаришда янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилиш туфайли меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги ғоят ўсганлигини қайд қилиб ўтишдан жуда хурсандмиз.

Туркманистоннинг ўзаро текшириш бригадаси Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё областларидаги колхоз, совхозларнинг далалари ва фермаларини кўздан кечирди.

Биз ҳамма жойда Ўзбекистон пахтакорлари, боғдорлари, сабзаводчилари, чорвадорлари, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ишлаётган ходимлар беш йиллик биринчи йилида олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда чинакам меҳнат қаҳрамонлиги намуналарини кўрсатаётганига ишонч ҳосил қилдик. Ўзбек дўстларимиз ишга моҳирлик билан жиддий ва ижодий ёндошиб, янги ерларни ўзлаштириш, кўриқ массивларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш каби мураккаб вазифаларни ҳал этмоқдалар. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришнинг муҳим резервидир.

Туркманистон пахтакорлари қардош Ўзбекистон деҳқонларининг фидокорона курашини зўр қизиқиш билан кузатиб турдилар. Ўзбекистон деҳқонлари бу йил рекорд пахта ҳосили билан Ватанни яна қувонтириш, камида беш миллион тўққиз юз минг тонна «оқ олтин» етиштириб, давлатга топширишга қарор бердилар.

Об-ҳаво шароитининг ғоят ноқулай келганлиги катта хирмон учун қурашаётган минг-минглаб кишиларнинг ғайрат шижоатини чипакка чиқариб қўядигандек туюлар эди. Аммо пахтакорлар бу сафар ҳам табиат инжиқликларига бардош бердилар. Бунинг боиси шуки, КПССнинг шонли жанговар отрядларидан бири — Ўзбекистон Коммунистик партияси уларнинг фаолиятини уюштиришда ва уларга йўл-йўриқ кўрсатишда. Замонавий фан, ғоят унумли ишлайдиган техника билан, бой амалий тажриба билан қуролланган ажойиб кадрлар — партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ходимлари, колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари, мутахассислар ва олдинги деҳқонлар республикадаги оғир синов кунларида зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар.

Қорақалпоғистон меҳнаткашлари бу йил 400 минг тоннадан зиёд пахта, 300 минг тонна шоли етиштириш учун курашмоқдалар. Бу автоном республиканинг илғор хўжаликлари бундан ҳам кўпроқ ҳосил етиштиришга аҳд қилдилар.

Тўрткўл, Элликқалъа ва Амударё районларидаги хўжаликлар билан танишиб чиқиш биз учун жуда завқли бўлди. Трактордан тортиб ғўза чопиқчисигача, ғўзани маҳорат билан суғориш, далалардаги ҳамма ишларни юқори сифатли қилиб бажариш — ана шу хўжаликларга хос хусусиятдир.

Хоразм области Ўзбекистондагина эмас, бутун мамлакатимизда ҳам мўл ҳосил етиштирувчи областлардан биридир. Бу область қишлоқ хўжалик ходимлари 1981 йилда давлатга пахта сотиш юзасидан ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. Хонка, Боғот ва Хазорасп районларининг хўжаликларида ғўзанинг аҳволи яхши эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истаймиз.

Хонка районидаги Ленин ордени билан Охунбобоев номли колхоз илғор тажрибанинг ибратли мактабидир. Даладаги ҳамма ишларнинг аъло сифатли бажарилганлиги гектар бошига 60 центнер ва ундан ҳам кўпроқ пахта олиш учун курашаётган бу коллектив деҳқонларига ғўза парваришидаги қолоқликни тугатибгина қолмай, балки экинларни ўтган йилнинг шу даврларига нисбатан янада яхши парвариш қилишлари учун имконият яратиб берди.

Бухоро область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг рекорд миқдорда пахта етиштиришга ишончи комил сайин ортиб боряпти. Бу областдаги хўжаликларда мутахассислар жуда катта роль ўйнамоқда. Улар ишлаб чиқаришнинг чинакам командирлари, далаларнинг технологларидир. Янгиликни доим қидириб топиш, ҳар гектар ернинг унумдорлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — уларга хос хусусиятдир. Фан-техника тараққиёти ютуқларини ва илғорларнинг тажрибасини жорий этиш натижасида ғўза яхши ривож топиб, кўп миқдорда ҳосил тўпланмоқда. Бу областда бизни мелиорация ва ирригация қурилиши ишлари билан таништирдилар. Бу қурилиш тез суръатлар билан амалга оширилмоқда ва катта самара бермоқда.

Қашқадарё областининг қишлоқ меҳнаткашлари пахта етиштиришдек янги юксак марраларни белгиладилар. Барча районларда ва хўжаликларнинг кўпчилигида яхши ҳосил етилмоқда. Қашқадарё областининг Қамаши, Шаҳрисабз ва Китоб районларидаги хўжаликларда ғўза аниқса яхши ривожланмоқда.

Биз борган ҳамма жойда пахта етиштиришнинг Тошкент технологияси йўлланилмоқда. Бу технология илғор тажрибани, фан ва техника ютуқларини мужассамлаштиради.

Республика қишлоқ меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикадаги колхозлар, совхозлар ва тайёрлов пунктларининг 1981 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишга тайёргарлиги тўғрисидаги қарорини бажара бориб, ҳамма жойда иш суръатларини жадаллаштиришларини зўр мамнуният билан уқтириб ўтамиз.

Партия ташкилотлари идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишни яхшилаш соҳасида амалга ошираётган тадбирлари алоҳида диққат-эътиборга сазовордир.

Биз чорвачилик фермаларида, ем-хашак тайёрловчи бригадаларда, ремонт устахоналарида, аграр-саноат комплексларида бўлдик ва ҳамма жойда кишилар партиянинг озиқ-овқат программасини, хусусан гўшт тайёрлаш программасини амалга оширишга қўшиладиган ҳиссани кўпайтириш тўғрисидаги даъватига ҳозиржавоб эканлигини кўриб билдик.

Шу билан бирга сизларнинг содиқ дўстларингиз бўлиб қолганимиз ҳолда делегация камчиликларга ҳам дуч келганлигини қардошларча айтиб ўтишни истаймиз. Биз область ва районларда мусобақа натижаларини якунлаштиришда ва камчиликлар тўғрисида батафсил гапиришда, Биз Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари ғўзанинг бундан кейинги ўсиш даврида ана шу камчиликларни йўқотиш учун зарур бўлган қўшимча тадбирларни амалга оширишларига аминмиз.

Сизнинг деҳқонларингиз сингари Туркманистон пахтакорларининг ҳам чигит экишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида айниқса катта қийинчиликларни бартараф этишларига тўғри келди. Пахтакорлар юксак уюшқоқлик ва фидокорона меҳнатни табиат инжиқликларига қарама-қарши қўйиб, ҳозирги пайтда асосий майдонларда ғўзанинг нормал ривожланишига эришдилар.

Ҳозирги вақтда Туркманистонда бир миллион икки юз йиғирма минг тонна пахта олиш учун актив кураш олиб борилмоқда.

Йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, гўшт, сут, тухум харид қилиш планлари бажарилди. Жамоат чорва молларини туёғи ва маҳсулдорлиги ортиб боряпти, пилла тайёрлаш йиллик планни ошириб бажарилди.

Қардош республикаларимиз меҳнаткашлари олдида жуда катта иш ва мураккаб вазифалар турибди. Мустаҳкам дўстлигимиз, ўзаро маслаҳатларимиз, ўзаро ёрдамимиз, КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукуматининг ва шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кундалик эътибори ва ғамхўрлиги бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда бизга ёрдам бермоқда.

Шонли Ўзбекистон меҳнаткашларининг КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг тарихий қарорларини амалга оширишда янгиданянги муваффақиятларга эришувларини, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигини муносиб кутиб олишларини чин кўнгилдан тилаймиз.

Г. ГУРБАНОВ,
Туркманистон ССР қишлоқ хўжалиги министри.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН

ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНАДИГАН КУН ЯҚИН

Бунёдкорлик ишларимизнинг янги, янада улуғвор программасини белгилаб берган КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларидан илҳомланган Собир Раҳимов райони маорифчилари шу кунларда янада уюшқоқлик билан ишламоқдалар. Ўтган ўқув йили давомида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган Тошкент шаҳар Киров районидаги умумий таълим мактаблари педагогик коллективларининг «Ҳар бир мактаб ўқувчисига чуқур ва пухта билим берайлик, уни ҳаётда актив позицияда туришга ўргатайлик» шиори остидаги ватанпарварлик ташаббуси маорифчиларимиз ўртасида муҳокама қилиниб, шу асосда бир қанча педагогик ишлар амалга оширилди.

Таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, ўқувчиларга ҳар томонлама пухта билим бериш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялаш, ўғил-қизларни меҳнат қуроғига актив жалб қилиш ва жамоат ишларига тайёрлаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди.

Район мактабларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Мактабгача тарбия муассасаларининг тармоғи кенгайди. Ҳозирги пайтда районда 28 та умумий ўрта таълим мактаби ва 56 та болалар боғчаси ва яслилари мавжуд. Меҳнаткашларнинг 27185 ўғил-қизи илм ўчоқларида, 13300 кичкинтойлар эса боғча ва яслиларда вояга етмоқда. Район марказларида кун узайтирилган группалар сони ортмоқда. Улар бағрига 6700 бола жалб қилинди. Бундай группаларни ташкил қилиш, машғулотларни қизиқарли олиб боришда 159, 185, 242-мактабларнинг педагогик коллективлари тўпланган бой тажрибалардан унумли фойдаланилятти.

Қўлга киритилаётган муваффақиятлар ҳақида гапирар эканмиз, булар таълимнинг тўлиқ кабинет системасида олиб бораётганлигимизнинг самараси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мактабларимиздаги 6093 та фан кабинети ва таълим устахонаси кўргазмали ўқув қуроллари, техника воситалари, замонавий ускуналар ва дастгоҳлар билан тўла жиҳозланган. Шуниси қувончлики, ўқувчилар мактабда билим олиш билан бирга ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида ҳунар ўрганмоқдалар. Ёшларимиз ишлаб чиқариш корхоналарида малакали мутахассислардек ишлаётирлар.

Педагогик коллективларнинг ҳунар-техника билим юртлари билан алоқаси тобора мустаҳкамланаётир. Улар кўплаб ёшларда касбга меҳр уйғотмоқдалар. Мактабларда таҳсил олаётган 8-синф ўқувчиларидан 3380 йигит-қиз ҳозир ҳунар-техника билим юртларида, 9—10 синф ўқувчиларидан 4 мингдан зиёд талаба эса ўн икки ихтисослик бўйича ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида ҳунар эгалламоқдалар. Район халқ маорифи бўлими ўқитувчи кадрлар составини яхшилаш соҳасида ҳам ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Улар сон жиҳатдан ўсди, сифат жиҳатдан мустаҳкамланди. Райондаги 1692 педагогдан 1440 нафари олий маълумотлилардир. Улардан 1238 ўқитувчи аттестациядан муваффақиятли ўтди. Аттестация даврида алоҳида ўрнак кўрсатган педагоглардан 3 кишига катта ўқитувчи унвони берилди.

Р. Абдуллахўжаев, Т. Московцева, Қ. Раҳматуллаев, Р. Қўчқоров, Д. Ибрагимова, Э. Генкуленко сингари педагогларимиз эса ўнинчи беш йилликда эришган муваффақиятлари учун партия ва ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Маорифчиларимиз қўлга киритаётган ютуқлар район партия комитети раҳбарлиги, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва жамоатчиликнинг фаол ёрдами, ўқитувчиларимизнинг сидқидилдан қилаётган меҳнати самарасидир.

Биз маорифнинг барча соҳалари бўйича йиллик халқ хўжалик планлари ва топшириқларини муваффақиятли бажариб келмоқдамиз. Мактаблар, мактабгача тарбия муассасаларини муддатидан илгари намунали ва пухта тайёрлаш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақада район халқ маорифи бўлими голиб чиқиб, Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди.

Педагоглик малакасини ошириш ҳамиша эътиборда бўлялти. Ўтган ўқув йили давомида илғор тажрибаларни умумлаштириш ҳам кенг миқёсда йўлга қўйилган. Масалан, Т. Абдуллаева, Д. Комилова сингари илғор ўқитувчиларнинг тажрибалари район миқёсида, 24-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, халқ маорифи аълочиси Х. Қодированинг тажрибаси шаҳар миқёсида оммалаштирилди.

Янги ўқув йилини ижодий изланиш, ташаббускорлик билан кутиб олишга интилаётган район халқ маорифи бўлими ходимлари август кенгаши ва конференцияларга пухта тайёргарлик кўраётирлар. Бу йил районимиздаги А. Беруний номли 243-мактабда иккинчи она тилимиз бўлган —рус тили бўйича, Маннон Уйғур номли 22-мактабда араб тили бўйича шаҳар конференциялари ўтади. Қатор мактабларда меҳнат ветеранлари, ёзувчи ва олимлар билан учрашувлар, касбга ихлос ҳақида суҳбатлар уюштирилади.

Районимиз мактабларининг барчаси 1 сентябрга тахт. Байрам арафасида 1568 ўринли янги мактабда илк бор қўнғироқ чалинади. 320 ўринли янги боғча эса жажжи ўғил-қизларни ўз бағрига олади.

Халқ маорифи соҳаси ўз характери жиҳатидан чуқур коммунистик тарбиявий ишдир. Унинг асл мақсади — истиқболимиз эгалари бўлган ёшларни давримизнинг муносиб етук кишилари қилиб тарбиялашдан иборат. Партиямиз бизни ишдаги ютуқларга ҳам, камчиликларга ҳам тўғри баҳо беришга, маориф, маданиятнинг ҳамма бўлимларини комплекс ривожлантиришга, асосий эътиборни ҳал этилмаган вазифаларга қаратишга даъват этмоқда. Бунинг учун районимиз педагогик коллективлари барча имкониятларни ишга солиб тобора яқинлашиб келаётган ўқитувчилар Бутуниттифоқ съездини муносиб совғалар билан кутиб оладилар.

С. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлимининг мудири.

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

С. КОМИССАРЕНКО

ЙЎҚОЛИ ТОПИЛДИ...

УНИ, йигирма ёшдаги ёқимтой қизни пайшанба куни ишга қабул қилишди. Жума куни эрталабданоқ бизнинг телефонимиз — қўшимча 76 безовта жиринглади.

— Птичкиманми... телефонга! — Эшитаман, — унинг мулойим овози янгради.

Душанбадан танаффуссиз қўнғироқ қила бошлашди:

— Марҳамат, Птичкинани телефонга.

— Птичкинани!

— Агар малол келмаса, Птичкинани чақириб берсангиз...

Столида телефон турадиган бўлим бошлиғи янги ходимага жаҳл аралаш деди:

— Балки сиз, шунчаки, менинг ўрнимга ўтиб ўтирарсиз? Сизга ҳам қулайроқ, мен ҳам тинчман...

Кимдир Птичкиданинг тарафини олмоқчи бўлди:

— Сиз нима истайсиз: ёш қиз, таништирги кўп... Ишончи билан айтиш мумкин, улар орасида бўлғуси куёв бўлиши эҳтимол!

— Кимнинг куёви?

— Птичкинанинг-да!

— Бунга менинг, менинг телефонимнинг нима алоқаси бор? — қизишди бошлиқ.

— Унинг ўз телефони бўлмаса нима қилсин бечора? Унга қандай кўрсатма берасиз?

— Кимга?

— Куёвга!

— Мутлақо телефон қилмасин!! — қичқирди бўлим бошлиғи.

Шу пайт телефон жиринглади, у трубкага зарда қилди: — Птичкинага бу телефон орқали бошқа қўнғироқ қилманглар! Линияни керақсиз мавзу билан банд қилясизлар!

Бироқ, Птичкинага қўшимча 76 бўйича қўнғироқ қилишни давом эттиришди.

Бўлим бошлиғи Птичкина масаласи юзасидан кенгаш чақирди, лекин ҳеч қандай хулосага келишолмади, чунки дамба-дам телефон трубкасига «Птичкина йўқ!» дея жавоб бериб туришга келди. Навбатдаги кенгашда эса Птичкинани, қўшимча 76 телефони турган стол ортида ўтирсин учун Президиум составига сайлашди: у йўқлиги тўғрисида ўзи жавоб берсин!

У эса, аксинча, борман, деб жавоб беради ва кенгаш давомида телефонда гаплашиш учун бир неча марта узр сўради...

Бизнинг бўлим учун ҳаёт нақ дўзахнинг ўзи бўлиб қолди.

Бу орада эса Птичкинага бошқа шаҳарлардан ҳам қўнғироқ қила бошлашди...

Зудлик билан бунинг олдини олиш чорасини кўриш керак.

Барча умидимиз бўлим бошлиғимиздан эди: ҳар ҳолда, раҳбарлик унинг қўлида эди... Тезда у бизнинг ишончимизни оқлади. Бир зарб билан барча ришталарни яксон қилди. У Птичкинани «умр йўлдоши» бўлишликка кўндирди.

Шу кундан эътиборан қўнғироқлар тинди. Ура!..

Леонид ЗИНИН

МИЖОЗ

— Кимнинг навбати?

— Кечирасиз, ҳозир менинг навбатим, — дедим мен рўзғор сумкаси ушлаган аёлга ва кабинетга кирдим.

Врач берилиб ёзаётган эди.

— Буёққа ўтиринг, — у менга лоқайд қараб қўйди-да, яна бошини эгди. Унинг нигоҳида нимадир менга ёқмади.

— Ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз, доктор?..

У қўлини ожизгина силкитди.

— Бу ёққа қаранг-чи! — мен қўлимни кўтардим ва бармоқларимни чап қулоғининг ёнида ўйнатдим. У бўйсунди.

— Энди бу ёққа!

У нигоҳини итоаткорона ўнга бурди. Мен ўйланиб қолдим.

— Хўш, нима топяпсиз? — сўради у.

— Қўрқинчли ҳеч нима йўқ, — Мен овозимни янада секинлатдим: ташвишланманг. Енгил толиқиш. Бугун нечта қабул қилдингиз?

— Йигирма икки киши.

— Тушунарли. Фақат мана бу сарғиш... доғлар, — аниқлаштирдим мен, — сариқ. Сиз жигарингиздан шикоят қилмайсизми?

— Йўқ, лекин билирубинни текшириб кўриш мумкин...

— Менинг назаримда, бу ерда протробин муҳимроқ,— иложи борича майин терзда тузатдим мен уни. — Бироқ, ўйлайманки, анализларсиз ҳам иш битирамиз. Яна нимадан шикоятингиз бор?

— Бош оғриғи...

— Хўш?

— ...Қулоқларим шанғиллайди. Юрагим сиқади...

— Мана бу ерингиз оғрийдими? — Мен қорнининг ўнг томонини эздим.

— Ҳа!—ажабланди у.

— Демак, — дедим мен ва гавдамни стул суянчиғига ташладим, — гепато — цереброл синдромнинг енгил формаси. Иккинчи томондан, бу ерда дизнцефалос тўғрисида ҳам ўйлаш зарур...

— Ким, ким тўғрисида?

— Дизнцефалос — миянинг учинчи ошқозончаси.

— Ажаб, мен булар орасида боғлиқлик борлигини сира ўйламагандим.

— Билишимча, сиз профессор Семиннинг охирги мақоласини ўқимаганга ўхшайсиз?

— Албатта, йўқ! Қачон ўқишим мумкин? — бирдан ачиқланди доктор. — Ҳали кирқ кишилаб қабул қилиш, ҳали чақирувлар, ҳали кенгаш, ҳали ваъда...

— Яхши, яхши! Мен сизга бюллетень беришим мумкин эди-ку, бироқ...

— Қизиқмисиз, шунча ишларим турибди.

— Балки, мен АКТГ қилишим мумкиндир. Маслаҳат бермайман. Яхшиси АТФ, лекин аввал ЭКГни синаб кўринг. Умуман, сиз ҳамкасблар билан маслаҳатлашиб олишингиз лозим.

— Ҳамкасблар билан? Улар худди мен каби аҳволдалар. У йиғлаб юборди.

— Тинчланинг, — дедим мен унинг кўз ёшларини салфетка билан артаётиб, — мен янглишган бўлишим ҳам мумкин: ҳар ҳолда, мен инженерман, медицинадан амалий тажрибам камроқ. Яхшиси, кенгаш чақириш керак.

— Кенгаш... ўпкаси тўлиб бурнини тортди у яна.

— Яхшиси мутахассисларни топиш, йиғиш керак...

— Бунга бирталай вақт кетади, ҳамда...

— Ундай эмас! Янглишасиз! — дедим мен ва эшик томон одимладим, — биз шунчаки, навбатда турганлардан бирортасини чақирамиз ва кўрибсизки...

— Тўхтанг, ҳозирча керакмас! Энди йигирма иккинчида, соат учларда келасиз, — деди у менга касаллик варақамни қайтара туриб. — Сиздан катта бир илтимос, сизга хотинимни кўрсатсам мумкинми? Унинг жигарида қандайдир касали бор. Мен сиздан бир умр қарздор бўлар эдим.

— Яхши, — келишдим мен ва кабинетдан чиқдим...

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ
таржималари.

* * *




ТОШКЕНТДАГИ республика шахмат-шашка клубида «Ёш ленинчи» газетасининг соврини учун анъанавий ўнинчи республика очиқ биринчилиги мусобақалари давом этмоқда. Мусобақаларда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон республикаларининг, Иркутск, Якутск, Челябинск, Омск ва бошқа шаҳарларнинг 200 дан ортиқ шахматчиси иштирок этаётир, Турнирда биринчиеттинчи ўринларни олган спортчилар Ўзбекистоннинг кучли СССР спорт мастерлигига номзодлари мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Суратда: турнир қатнашчилари навбатдаги ўйин пайтида.

Ф. Қурбонбоев фотоси. (ЎзТАГ).

* * *

КОЛХИДА ГУЛЛАБ—ЯШНАМОҚДА



Ботқоқликлар ва чакалакзорлар ўрнида барпо қилинган Колхида кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Бу ерда чой плантациялари, цитрус ўсимликлар ва мева боғлари билан бирга янгиянги посёлкалар қад кўтарди. Суратларда: Гальск райондаги Приморск қишлоғи яқинида қурилган Ингурск каскадининг учинчи ГЭСи. Ўзларининг чиқишлари билан санъат шинавандларининг қалбидан муносиб ўрин олган Хоби посёлкаси маданият саройи вокал-чолғу ансамблининг бир группа қатнашчилари.

ТАСС фотохроникаси.

ОНА—ВАТАН БЎЙЛАБ



ОЛТИ ИЛҒОРГА—ОЛТИ «МОСКВИЧ»

«БУГУН кечагидан — эртага бугунгидан зарбдор меҳнат қиламиз» шиори остида социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, баракали меҳнат қилиб келаётган «Ўзбекшахтострой» трестининг қурувчилари кундан-кунга янги ғалабаларни қўлга киритаяптилар. Трестнинг 95-механизациялашган кўчма колоннаси комплекс бригадасининг бошлиғи А. Зборивец, пардозлаш ишлари қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадасининг бошлиғи Я. Янцен, 6-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчилар бригадаси бошлиғи Д. Зазулинлар ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Бу илғор уч бригада ўнинчи беш йилликда ҳам ўн йиллик планни бажаришган эди. Ўн биринчи беш йилликда эса Д. Зазулин бошчилик қилаётган бригада ғишт терувчилари республикамизнинг 15 илғор ташаббускори билан бир сафда беш йилликда ўн йиллик план-топшириқларни бажариш ташаббуси билан чиқдилар. Бу, трест ишчи-хизматчиларини янги ғалабалар сари илҳомлантириб юборди. Шундан сўнг Я. Янцен, А. Зборивец бошлиқ бригадалар биринчилар қатори ташаббусни қўллаб-қувватладилар.

А. Зборивец бошлиқ бригада қурувчилари ўтган олти ой ичида 143 минг сўмлик иш бажаришлари кўзда тутилган эди. Олти ойлик ишга якун ясалганда комплекс бригада 289 минг сўмлик қурилиш монтаж ишларини амалга оширганлиги маълум бўлди. Кўп ўтмай яна уч бригада Г. Мустафин бошлиқ монтажчилар, К. Алиев бошлиқ дурадгорлар, Р. Шредер бошлиқ бўёқчилар бригадалари ҳам олти ой ичида йиллик планни муддатидан илгари адо этганликлари ҳақидаги ғалаба рапортини имзо чекдилар.

Куни кеча трестда янги хушхабар тарқалди. Социалистик мусобақа пешқадамларини тақдирлаш учун трест партия, касаба союз ва комсомол комитетлари томонидан олти илғор бригадага биттадан «Москвич» машинаси ажратилди.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ.
Ангрен.

ҲАР ТЎҒРИДА

ТУҒИЛГАН КУНЛАРИ БИР

Швецияда яшовчи онлалардан бирида болалар мана тўрт авлоддирки, йилнинг бир кунида — 8 июнида туғилади. Масалан, 1881, 1913, 1946 ва 1980 йилларда туғилган шу хонадон фарзандлари ёзнинг ана шу кунида дунёга келишган.

Швеция мутахассислари ҳисоблашича, тўрт авлодда болаларнинг бир кунда туғилиши ҳодисасининг такрорланиш эҳтимоли 48 миллиондан биттага тўғри келади.

ФИЛ ПАРОВОЗ ЎРНИДА

Ҳиндистонда тракторлар, юк автомобиллари ва кўтарма кранларнинг кўпайиб бораётганлигига қарамай, ўргатилган филларга бўлган эҳтиёж камайиш ўрнига йил сайин ошиб бораяпти.

Филларни хилма-хил ҳунарларга ўргатадиган янги мактаблар очиляпти. Филлар сотиладиган ярмаркалар ҳам тез-тез ташкил этиладиган бўлиб қолди.

Филнинг юк ташиш ишларидаги афзаллиги шундаки, у машиналар ўтолмайдиган чангалзор ва ўрмон жойлардан бемалол ўта олади, кўплаб юк ташийди, унга «ёқилғи»нинг ҳожати ҳам йўқ.

Яқинда филлар яна янги бир «касби» ўрганиб олишди. Улар темирйўл станцияларида маневр қиладиган паровозларнинг ўрнини босишяпти. Филлар вагонларга юк ортишади, сўнг ўзлари бирин-кетин тизилиб, юкни манзилга элтиб беришади.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ТАЖРИБА-МЕХАНИКА ЭКСКАВАТОР РЕМОНТИ ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ

199-КЕЧКИ-СМЕНАЛИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Дизель аппаратураси ремонти ва регулировкаси бўйича токарь, слесарь, электр кўприкли кранларнинг крановщиклари.

Ўқиш муддати— 10 ой (практика заводнинг иш жойларида олиб борилади).

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 18 ВА УНДАН ҚАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчилар ўқиш давомида ойига 80 сўмдан 100 сўмгача стипендия оладилар. Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганларга ойига 100 сўм ҳисобида стипендия тўланади.

Ўқувчилар билим юртини битирганларидан кейин база корхонасига ишга юборилади.

Қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: аттестат ёки маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), справкалар: турар жойидан, медицина (286-форма); 8 та фотосурат (4х6 см.), иш жойидан йўлланма (ишловчилар учун, автобиография, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома), билим юрти директорининг номига ёзилган ариза.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ СОАТ 9.00 ДАН 17.30 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 124-уй (14, 56, 43-автобуслар, 7, 10-троллейбусларнинг «ТОМРЭЗ» заводи бекати).

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» орденли «УЗБЕКШАХТОСТРОЙ» қурилиш трести Ангрен, Оҳангарон ва Олмалиқ шаҳарларидаги объектлар қурилишида ишлаш учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ИШЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Арматурачи, ғишт терувчи, темир-бетон ва металл конструкцияларни йиғувчи монтажчи.

Елғиз кишиларга ётоқхона, оилаликларга бир йил ичида квартира берилади.

Трест боғча-ясли, санаторий-профилакторий, «Строитель» клуби, 2 кунлик дам олиш уйи, пионер лагери, спорт комплекси ва ёрдамчи хўжаликка эга. Қурилиш майдонларида комплексли овқатлар ташкил этилади.

Меҳнат ҳақи ишбай-мукофотли.

Ишга чақириқ қоғози келгандан сўнг борилади.

Мурожаат учун адрес: 702500, Ангрен шаҳри, Богдановичч кўчаси, 1-уй, кадрлар бўлими.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 —Агар сен кетсанг. Бадиий фильм. 11.25 — Фильм-концерт. 12.05 — Киносаёҳатчилар клуби. 13.05 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.55 — Болалар учун фильм. 17.30 — «Чарм тўп» клубининг соврини учун. 18.15 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 18.30 — Концерт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.40 — Фан оламида. Телетомошабинларнинг хатлари асосида. 20.20 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — Концерт.

Ўз ТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Қўғирчоқ фильм. 11.45 — Фильм-концерт. 12.10 — Янги ўқув йилига. Мактаб формаси қандай бўлиши керак. 12.40—«Юмор» телевизион театри. 3. Зулфикоров. «Қалитлар». 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Ғаройиб манеж. Мультфильм. 18.30 — Ўсмир ва қонун. 19.00 — Касаба союзлар — омма орасидаги ишончли таянч. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.10 — Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи кўргазма залидан кўрсатув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Москва Давлат муз устида балети. 00.25 — Кўрсатувлар программаси.

Ўз ТВ-II

18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Қизиқувчилар экрани. 18.40 — Телефильм. 19.30 — Болалар учун фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўша кунларда. Бадиий фильм. 21.30 — Марказий телевидениенинг IV программаси.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/VIII да Келинлар қўзғолони, 19/VIII да Олтин девор, 20/VIII да Ганг дарёсининг қизи.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа. АРЕНАДА МОСКВАЛИКЛАР.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА ҒЕМОНТ-ТАЪМИНОТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси машиналар, ускуналар, товарлар ва оммавий ишлаб чиқариш бошқа буюмлари учун мўлжалланган фирма табличкаларини пўлат, рух тунука ва латундан чекланмаган миқдорда тайёрлаб бериш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртма босмахона материалидан тайёрланади. Меҳнат ҳақи — прейскурант бўйича олинади.

Бошқа шаҳарлардан қабул қилинган натта партиядаги буюртмалар темир йўл орқали жўнатилади.

Справкалар олиш ва буюртмалар бериш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, ишлаб чиқариш бўлими. Телефон 32-33-68.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

НИҲОЯТ ҒАЛАБА

«Пахтакор» футболчилари кетма-кет мағлубиятдан сўнг, ниҳоят ғалабага эришдилар. Улар ўтган якшанба куни ўз майдонларида Ереванинг «Арарат» командасини қабул қилишди. Ўйин асосан майдон эгалари устунлигида ўтди. Ҳамжиҳатлик, чаққонлик ўз самарасини кўрсатди. Аввал пахтакорчи Константин Новиков ҳисобни очди. Ўйиннинг иккинчи ярмида Марат Кабаев ҳисобни оширди. Орадан кўп ўтмай К. Новиков яна мехмонлар дарбозасига тўп киритди. Ўйин тугашига саноқли минутлар қолганда мехмонлар битта жавоб тўпи киритишди.

Кўп сонли футбол мухлислари бу сафар майдонда янги ўйинчи билан танишишди. Ўйиннинг иккинчи ярмида Андрей Якубик ўрнига майдонга тушган Фахриддин Исломов мухлисларда яхши таассурот қолдира олди. 18 баҳорни қаршилаётган бу спортчи СССР ёшлар терма командасининг аъзосидир. Ўйлаймизки, у пахтакорчилар сафидан муносиб ўрин олади. Шу турдаги энг йирик ҳисоб Ростов-Дон шаҳрида қайд қилинди. Армячилар ўз майдонларида Краснодарнинг «Кубань» командаси билан учрашиб, 6:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

СССР футбол чемпионати олий лига командаларининг шу тур ўйинларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Черноморец» — «Динамо» (К) — 1:3, «Шахтёр» — ЦСКА — 2:1, «Днепр» — «Торпедо» — 1:1, «Динамо» (М) — «Динамо» (Мн) — 0:0, «Нефтчи» — «Таврия — 1:1, «Қайрат» — «Динамо» (Тб) — 1:3. Кеча «Спартак» ва «Зенит» ўртасидаги учрашув бўлиб ўтди.

Чемпионат ўйинлари календарига киритилган тузатиш муносабати билан «Пахтакор» 21 августда ўз майдонида Москванинг «Динамо», 24 августда эса «Спартак» командаларини қабул қилади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосари—335885, 325747, 337915, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325757; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 03102. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1696. 13